Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

№48 (6559).
Баҳоси 15 сўм.

Мустақилликнинг икки йиллиги олдидан

Халқ таълими ва ҳокимият

ҲАМ ФАОЛЛИК, ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК

«Таълим тўғрисида»ги Қонун халқ таълимининг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётидаги фаолиятини аниқлаб берди. Ушбу Қонун асосида ўқув жараёнида ижтимоий тараққиётнинг инсон омили манфаатлари учун нақадар аҳамиятли ва зарурлигини ҳар бир бола қалбига сингдириш халқ таълими ходимларидан катта меҳнат, тажриба ва маҳорат талаб этади. Шу масъулияти тўғри англаб олган Косон шаҳар халқ таълими ходимлари давр талабига мос дастур асосида меҳнат қилмоқдалар. Туманда халқ таълимига эътибор кейинги йилларда кучайтирилди. Вилоят ва туман ҳокимиятлари, вилоят халқ таълими бошқармасининг яқиндан берган ёрдами туфайли сўнгги уч йилда 2800 ўқувчи ўринли мактаб, 280 ўқувчи ўринли спорт мактаби, 700 ўринли болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозирги гиғиз иқтисодий шароитда ҳам 844 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Кейинги уч йилда болалар боғчалари 10 тадан 17 тага, тарбияланувчилар сони 1800 дан 3100 га етказилди, 54 та уй боғчалари очилиб, уларда 400 нафар бола тарбияланмоқда. Узлуксиз таълимни жорий эта бориш мақсадида 2 та мактабда 4 та гуруҳ мактаб-боғча ташкил этилди.

Косон шаҳар халқ таълими бўлими услубхонаси бошчилигида иқтидорли, ташаббускор ўқитувчилар ва мураббийлардан ижодий гуруҳ тузилди. Уларнинг икки ой мобайнидаги изланишлари натижасида дарсликлар ва маҳаллий шароит, миллий урф-одатларимизни ҳисобга олган ҳолда янги режалар тайёрланди. Аниқроғи адабиёт, математика, физика, кимё, биология фанларининг мавжуд дастурлари қарийб 30 фоизга ўзгартирилди. Мактабларимизда ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган дастур ва тавсиялар асосида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг кўргазмаси ҳамда ҳокимиятнинг 1990 йилги қарорига асосан шаҳар халқ таълими бўлими қошида хўжалик ҳисобида иш кўрувчи қурилиш ва таъмирлаш кичик корхонаси очилди. Бу кичик корхонада 54 нафар доимий, 110 нафар мавсумий ишчилар меҳнат қилади. Уларнинг кучи билан 3 миллион 700 минг сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ходимларнинг эҳтиёжлари асосида қурилиш, пайвандлаш, таъмирлаш каби пулли хизмат олиб борилмоқда. Илгари таъмирлаш ишларини қайсидир қурилиш ташкилотларига бажартириб, қурилиш материалларини ҳам ўзимиз топиб, бажарган иши учун 40—60 фоиз устама фойда билан ўша ташкилотга маблағ ўтказардик. Янги кичик корхонанинг очилиши шаҳар халқ таълими бўлимига фойдали бўлди, чунки бу ташкилот ўзи қурилиш материалларини топади, сифатли ва ўз вақтида иш бажаради. Шартномага асосан, 1992 йилда олган фойдасидан 200 минг сўм бўлим ҳисобига ўтказиб берди.

Ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганиш ўсмирлар ва ўқувчилар марказида бошланди. Бу ерда даставвал асаларичилик тўгараги ташкил этилиб, 50 оила асалари сотиб олинди. Мазкур ишга марказ раҳбари Холмурод Ҳайитов билан услубшунос Тўлқин Тиркашев бошчилик қилишди. Тўгарак раҳбари Баҳодир Ҳақбердиев ва унинг шогирдлари асаларичиликни ривожлантира бошладилар. Бунда ўқувчилар асаларидек нозик жонивор билан муомала қилиш сир-асрорларини ҳам пухта ўрганиб, ўзлаштириб бордилар. Улар иш бошлаган йили 300 кг асал олган бўлсалар, ўтган мавсумда 1,5 тонна асал тўпладилар. Олинган маҳсулотнинг бир қисми болалар боғчаларига етказиб берилди. Қолгани эса бозорда сотилиб, даромад қилинди. Айни кунда асаларилар 100 оилага етказилди. 50 та янги асалари оиласи 150 минг сўмга сотилди. Ҳозирги вақтда ўсмирлар ва ўқувчилар марказидаги жами 14 та тўгаракнинг 9 тасида ўғил-қизлар меҳнати билан турли маҳсулотлар етиштирилиб, даромад олинмоқда.

Нутрачилик, қўёнчилик, паррандачилик, тикувчилик, халқ амалий санъати, нонвойлик, сабзавоткорлик тўгаракларида ёшларга ҳунар сирлари пухта ўргатилиб, ўз-ўзини қўшимча маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар ва ўсмирлар уйи 1992 йилда 977 минг сўм даромад қилди. Шундан иш ҳақи 470 минг сўмни, соф фойда эса 340 минг сўмни ташкил этди.

Ёш табиатшунослар марказидаги гулчилик ва боғдорчилик тўгаракларида Тўймурод Маллаев раҳбарлигида 6500 дона турли хил кўчат етказилиб, 200 минг сўм даромад келтирилди.

Бозор иқтисоди шароитида мактабни ва серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Пушкин номли ўрта мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Бердимурод Қодиров маъмурият ва ота-оналар розилиги билан 10 ўқувчидан иборат дурадгорлик гуруҳи тузди. Шаҳар халқ таълими бўлими эса бу ташаббусни маъқуллаб, 40 ўқувчига қўшимча даромаддан ойига 400 сўмдан маош белгилади ва гуруҳни зарур қурилиш материаллари билан таъминлади. Бердимурод Қодиров пайвандлаш ва дурадгорлик тўгаракларини бошқарса, биология ўқитувчиси Шароф Султонов ўқувчилар ёрдамида юзлаб туп бодом ва ўрик кўчатлари етказиб берди. С. Айний номли мактабда бадиий ҳаваскорлик, каштачилик тўгаракларини 50 минг сўм даромад қилди. Абу Наср Форобий номли ўрта мактабда мойжувоз, ун тегирмон, қандолатчилик, кулолчилик цехлари мактаб директори Бекмурод Махатов раҳбарлигида ҳашар усулида қурилди ва икки ойда 50 минг сўм даромад келтирди.

Мирзо Улуғбек номли мактаб директори Норсубхон Дўстёров раҳбарлигида компьютер хизматидан фойдаланган ҳолда иш қоғози чоп этиш ва тикувчилик тўгарагида болалар боғчалари учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ҳозиргача бу соҳалардан 488 минг сўм даромад қилинди. Шундай иш бажарган тўгарак раҳбарлари ва ўқувчиларига 280 минг сўм иш ҳақи берилди, бундан 208 минг сўм фойда қолди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол мафкураси — давр эҳтиёжи

ЁШЛАР — ЭРТАНИНГ ЭГАСИ

«Юз йиллар орзулаган Мустақиллик бугун еримизда, қонунларимизда, байроғимизда, мадҳиямизда намоён бўлиб қарор топмоқда. Бугун юракларимиз, тафаккуримиз қай аҳволда? Бирор анжуманда Ўзбекистон мадҳияси янграса, ўрнидан туриб-турмай қолган одамларни ўзини қандай тутишни билмай каловланган кишиларни, шунчаки иккиланиб турганимизни қандай изоҳлаш мумкин? Бу нима, ғофилликми ёки мерос лоқайдликми? Бу ҳолатлар одамни чуқур ҳаёлга солади. Юқоридаги ҳолатларда миллий онг ўзини нечук тутади? Сиёсий маданиятимиз қай аҳволда? Келинг, шарқона ҳикматларга мурожаат қилайлик. Мустақиллик боболаримизнинг қони, жони, орзу-умидлари эвазига қозонилган ғалабадир. Биз энди Машраб илёмни, Чўлпон, Фитрат ва бошқа улуғ маърифатчиларнинг ҳаёти ва ўлими сабабларидан аниқ хулоса чиқариб, бугуннинг дафтарига — истиқлолимиз мафкурасига тегишли сатрларни ёзишимиз керак».

Бу чуқур маъноли сатрлар яқинда «Маърифат» газетасида (9 июнь сони) чоп этилган «Истиқлол мафкураси ва кадрлар сиёсати» мақоласида қайд этилган. Дарҳақиқат, мақола муаллифи Ўзбекистон халқ депутати, республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умрзоқов бугунги кунда кўпчиликни ўйлантириб турган масалаларни қаламга олган, истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмунини атрофлича ёритиб берган. Зотан, мустақиллик бамисоли бир қуёшки, унинг нуридан бутун вужудимизга, турмуш тарзимизга ҳаётбахш ҳурлик ва озодлик сингмоқда. Буни биз ҳамма нарсадан азиз ва мукаррам ҳис этиб, мустақиллик йўлида Ватан равнақи учун курашишга шай сезамиз ўзимизни.

Тўғри, биз ҳозирги вақтда оғир иқтисодий бўҳронни бошдан кечиряпмиз. Бу жараённи изга солиш, фаровонликни таъминлаш оддий фуқародан тортиб амалдоргача — ҳамма-ҳаммани бирдай ўйлантираётган, ташвишга солаётган ҳолат. Лекин, очиғини айтганда, қорнимиз оч, уст-бошимиз яланғоч қолаётгани йўқ. Олим ва ёзувчи Иброҳим Ғафуров ўзининг «Эркинлик туҳфалари бебаҳо» мақоласида ёзганидек, «ҳозир қийинчиликлардан нолиб ўтирадиган пайт эмас. Ҳозир дунёга чиқадиган, йўл соладиган ва жаҳон илғор тажрибаларини тинимсиз ғайрат билан ўзлаштирадиган пайт. Истиқлолнинг ўзи энг гўзал маънавият. Қуллик ва қарамликда маънавият. бўлмайди. Истиқлол бизга эркинликнинг энг фусункор туҳфаларини бахш этди».

Зеро, онгли интизом, ахлоқий софлик, юксак маънавиятсиз мустақилликнинг занжирлари бўш ва чидамсиз, халқлари салқи, келажаги сароб бўлади. Шу туфайли Президентимиз Ислом Каримов Республикамизда мустақиллик мафкурасини яратиш, аввал бошдан одамларни айниқса ҳурликни, мустақилликни англашга ва қадрлашга, уларни маънавий маърифий жиҳатдан тарбиялаш вазифасини қўйди. Бу қўлга киритган мустақиллигимиз пойдорлиги, унинг моддий асосларининг таг-заминли ва пишиқ-пухталиги, иқтисодиётимиз гуллаб-яшнашининг асосий гаровидир.

(Давоми 2-бетда).

Ўқув йилига тайёрмисиз?

МАМАДОВНИНГ МАКТАБИ

Бешариқ туманининг Шоверди қишлоғида бутун республикага донг таратган биттагина боғча-мактаб бор. Мазкур билим маскани бу йил нафақат қишлоқнинг, балки туманнинг обрўсига яна обрў қўшадиган бўлди. Негаки, мактабда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳам вилоят бўйича биринчи бўлиб якунланди.

Тайёргарликнинг сўнгги куни — 8 июнга қадар мактаб биносининг ички ва ташқи томони тўлиқ таъмирланди. Ўқувчилар кучи билан 222 та парта, 450 та стул бўялди. Китоблар, ўқув қуролларининг эскирганлари таъмирланиб, яроқли ҳолга келтирилди.

Тайёргарлик ишлари учун ҳаммаси бўлиб бир ҳафта вақт сарфланди. Бундай натижадорликнинг ўзига хос сирлари бор. Биринчидан, таъмир ишлари ўқишлар тугамасдан, ўқувчилар мактабда эканлигидаёқ бошланди. Иккинчидан, барча жиҳозлар, умуман, мактабнинг ички ва ташқи кўриниши аввалбошдаёқ яхши сақланганлиги ҳам иш берди. Уларнинг кўп қисми таъмир талаб эмас. Буларнинг барчасига ўқув даргоҳидаги тартиб—интизомнинг мустаҳкамлиги, ўқитувчи-ўқувчиларнинг аҳиллиги ҳам сабаб бўлди. Шунингдек, боғча-мактаб директори Мусулмон Мамадов бошқариш ишларида жуда пишиқ, уддабурон раҳбар. Шунинг учун Бешариқда уни кўпчилик ҳурмат қилиб, «Бешариқнинг юлдузи» деб атайди.

Агар шу таъмир ишларини бирорта қурилиш ташкилоти бажарганида эди, эҳтимол мактабдан бир неча минг сўм пул ундириб оларди. Зиё масканининг туман омонат банкидаги ҳисобида анча-мунча пул тўпланиб қолганига қарамай, директор бошқача йўл тутди. Яъни, ота-оналарни таъмир масаласида маслаҳатлашувга чақирди. Улар, ўз навбатида, мактабга баҳолиқудрат ёрдам беришди. Туман халқ таълими бўлими ҳам қараб турганини йўқ; ўқув даргоҳига таъмир материаллари масаласида қисман ёрдамлашди. Шундай қилиб, 7 кун давом этган қизғин ҳашар ёрдамида бутун мактаб аҳли иштирок этди. Натижада янги ўқув йилига жуда эрта ва пухта ҳозирлик кўрилди.

Биз бу ерда мактабнинг оталиқ ташкилоти ҳақида атайин фикр юритмадик. Негаки, мазкур ўқув даргоҳи моддий томондан ўзига дуруст бўлгани, хўжалик ҳисобида ишлаётгани учун оталиққа эҳтимол муҳтож эмасдир. Умуман олганда, шундай оталиқ ташкилоти бор эди. Улар ҳеч ёрдам беравермагач, мактаб жамоаси бундай ҳомийдан аллақачон умидини узиб қўйган.

Ҳозир боғча-мактабда яна бир янгиликка қўл урилди; Тошкентдаги Кибернетика институти билан ҳамкорликда бу ерда иккита интернат синф очиляпти. Унда болаларга математика ва биохимиядан чуқурлаштирилган билим берилади. Институт ходимлари ўқувчиларни махсус дастур асосида ўқитиш, уларни келажакда кибернетика мутахассислиги бўйича ихтисослаштириш ниятидалар. Болаларнинг кийим-боши, озиқ-овқатига кетадиган харажатни ҳам институт ўз зиммасига олиш ниятида. Шунингдек, мактаб замонавий ўқув-техника жиҳозлари билан тўлиқ таъминланади.

Ҳозир ўқитувчи ва ўқувчилар мактаб иши ва ўқишдан мутлақо ҳоли бўлиб, турли жойларда дам олишяпти. Муаллимлар жамоаси ёзги таътилдан қайтганларидан сўнг, ўқув даргоҳи жамғармасида тўпланиб қолган, яъни мактаб боғидаги сархил меваларни сотишдан тушган 200 минг сўм пул уларга янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда фаол иштироқ этганлари учун мукофот тариқасида тақсимлаб берилади.

Шу каби барча залворли ишларнинг бошида ишбилармон, серғайрат раҳбар Мусулмон ака Мамадов турибди. Шунинг учун туман доирасида уни ҳурмат қилиб, мазкур зиё масканини «Мамадовнинг мактаби» дейишади. Бу, ўз навбатида, халқ томонидан Мусулмон аканинг муаллимларга муносиб раҳбар эканлигининг тан олинишидир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

СУРАТЛИ ЛАВҲА

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ТУРКИЯДА ЎТАДИ

9 июль куни Тошкент тайёрагоҳидан Ўзбекистон — Туркия ўғил болалар лицейларининг 194 нафар аълочи ўқувчилари Туркия «Силм ширкати» таклифига асосан Туркия мамлакатига ёзги таътилни ўтказиш учун жўнаб кетди. Уларни Туркия миллий Эйтим баканлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вакиллари ҳамда ота-оналар кузатиб қолдилар.

Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Тошкент шаҳарлари лицейларининг энг илғор, иқтидорли ўқувчилари Туркия давлатининг еттита сўлим шаҳарлари оромгоҳларида маданий ҳордиқ чиқарадилар. Иқтидорли болалар у ерда спорт ўйинлари, турли хил тўгарак ишлари билан машғул бўлишади. Ундан ташқари болалар Туркия мамлакатининг улкан порт шаҳарларини, баҳаво гўшаларини, қадимий, тарихий обидаларини томоша қилиш учун саёҳатга олиб чиқилади. Хуллас, 5 августга қадар давом этадиган иқтидорли ўқувчиларнинг ёзги таътили ғоят қизиқарли ўтиши кутилаётир.

Суратларда: Ўзбекистон — Туркия ўғил болалар лицейларининг аълочи ўқувчиларини қардошлар диёрига кузатиш маросимидан лавҳалар акс этган.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ОМАД БИЛИМДОНЛАРГА БОҚСИН

«Бу кунларнинг файзи ўзгача, бу кунларнинг сурури бошқа» деган экан бир донишманд. Дарҳақиқат, республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ҳам «файзи ўзгача» кунлар, қизғин ва масъулиятли дамлар бошланди.

Республикамиздаги энг катта ўқув даргоҳларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида тест синовларини ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кетаётир. Бу ҳақда мухбиримизга университет қабул комиссиясининг масъул котиби, физика-математика фанлари доктори, профессор Облоқул Қувондиқов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу йил дорилфунунимизда 23 та мутахассислик бўйича 15 та факультетга 1140 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Айни кунларда абитуриентларнинг иқтидори, қизиқишлари эътиборга олинган ҳолда, ҳамма мутахассисликларга ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Қабул ишларига тажрибали ўқитувчиларни жалб қилганмиз. Улар абитуриентларга касб танлаш борасида тўғри йўналиш бериш, уларни керакли йўриқномалар билан таъминлаш, тест синовлари тартиб-қоидалари билан таништириш ишларини кўнгилдагидек олиб боришмоқда.

Ўзбек филологияси, рус филологияси, мусиқа, жисмоний тарбия каби қатор факультетларга кирувчи абитуриентлар учун тест синовларидан олдин ижодий имтиҳон ўтказилади. Бу ижодий имтиҳонларни ўтказиш учун махсус имтиҳон комиссияси тузилди.

Бу йил университетимизда машинасозлик технологияси, механика, журналистика, социология, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш иқтисоди каби янги бўлимларга биринчи марта талаба танлови ўтказилади. Бу эса қабул жараёнидаги масъулиятни янада оширишни табиий.

Энди тест синовларини ўтказиш учун айни кунларда қилинаётган ишлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, энг аввало шуни қайд қилиш лозимки, биз бу жараёнда ҳамма учун тушунарли бўлган, содда усуллардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Тест қонун-қоидалари, тартиби ҳақида абитуриентларга етарлича тушунча бериш учун махсус консультациялар ўтказаяпмиз. Бундан ташқари ҳар бир факультет учун алоҳида-алоҳида ахборот доскалари ташкил қилганмиз.

Абитуриентлар учун зарур бўлган барча маълумотлар, тест синовлари ўтадиган хоналар, рақамлари ҳам шу доскага қайд қилиб қўйилган.

Абитуриентга тест қонун-қоидаларини осонлик билан етказиш учун уларга асосий ҳужжат ҳисобланган тест жавоблари варақасини 3 метрли матога ёзиб, кўзга яққол ташланадиган жойга осиб қўйдик. Тест синовлари ўтказиладиган ўқув корпуслари схемасини ҳам худди шундай матода ҳужжатлар қабул қилинадиган бинонинг кўзга ташланадиган жойига қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир абитуриентнинг тест ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши учун кимаики лозим бўлса, ҳаммаси муҳайё.

Хуллас, ҳаракат ва интилишларимизнинг ҳамма-ҳаммаси, энг олий мақсадимиз тест синовларини тўғри ва адолатли ўтказиш, билимдонларнинг билимдони бўлган абитуриентларни талабаликка саралаб олишга қаратилган. Ниятимиз битта: бу синовда омад билимдонларга боқсин!

З. УСМОНОВА.

ҲАМКАСБИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири лавозимига Азимбой Алимович Суюнов (Азим Суюн)ни тасдиқлади.

Азим Суюн шоир ва журналист сифатида элга аллақачон танилган. Кўплаб шеърий тўпламларнинг муаллифи. Мураббийлар ҳаётига оид публицистик мақолалари билан ҳам эл оғзига тушган.

Ҳамкасбимизни янги лавозим билан табриклаб, муҳаррирлик ва ижодий фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз!

ҲАМ ФАОЛЛИК, ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК

(Боши 1-бетда.)

Вилоят ва туман ҳокимиятининг 1991 йилги қарорига асосан Беруний ширкат хўжалиги ҳудудидан 32 гектар ер ажратилди. Дастлабки хўжалик йилида деҳқончиликдан 35 тонна олма, 33 тонна помидор, 25 тонна тарвуз, 5 тонна кади, 0,37 тонна олма мураббоси, 1 тонна шолғом, 1 тонна арпа, 3 тонна томат, 1,5 тонна помидор қоқи, 65 тонна зичланган беда етиштирилиб, ялпи даромад 900 минг сўмни ташкил этди. Барча харажатлардан ташқари соф фойда 500 минг сўм бўлди.

Болалар боғчалари ва мактабларни полиз, сабзавот билан таъминлашда мавжуд муаммоларга барҳам бериш учун 1992 йилда Косон шаҳар кенгаши раёсатининг қарорига асосан, шаҳар халқ таълими бўлими қошида хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхонаси очилди. Бу корхона болалар боғчалари, мактаблар ва ходимларни таъминлаб, 7 ойда 3 млн. сўмлик хизмат қилди ва 186 минг сўм бўлим ҳисобига ўтказди.

Кузги таътилда ўқувчиларнинг ота-оналари билан келишган ҳолда, Косон ширкат хўжалигидан пахта териб олишга шаҳар халқ таълими бўлимининг ширкат хўжалиги билан шартнома тузилди. Шунга асосан, хўжаликдан терилган пахтанинг 25 фоизи ҳисобидан 400 минг сўм маблағ халқ таълими бўлими ҳисобига ўтказилди.

Бўлимга қарашли барча ташкилотларга маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш учун 2 та «ГАЗ—53» 2 та «ГАЗ»—52», 1 та «ДТ—75», 3 та «Т—28», 1 та «БЕЛОРУС» трактори берилган. Бу техника ашёлари аслида ташландиқ ҳолатдан қайта таъмирланган.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасида ўтган йил ва жорий йил чорагида 4 миллион 125 минг сўм даромад олинди. Олинган фойда ҳисобидан ўқувчилар ва ходимларни моддий ҳамда ижтимоий-ҳимоялаш мақсадларида маблағлар ажратиб турилди. Масалан, ўтган йили мактабларо турли қўрик-танловлар, ҳайрия-эҳсонларга 200 минг сўм ажратилган бўлса, жорий йилда 204 минг сўм маблағ берилди. Ҳар йили наврўз ойида вақтинча саломатлигини йўқотганлар ва меҳнат фахрийлари, муҳтож оилалар, олимпиада ва спартакиада ғолиблари, тадбиркор, ижодкор ўқитувчилар, иқтидорли ўқувчилар рағбатлантириб борилади, шунингдек, туман ҳокимияти қошида ташкил этилган буюк саркарда Амир Темур жамғармаси ҳисобидан 700 минг сўм пул шу мақсадлар учун ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълими тизимида миллий қадриятларни тиклаш, маҳаллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ўқувчиларни бозор иқтисодига тайёрлаш борасидаги дастлабки кичик қадамларимизга катта ишонч билдирганлари учун Республика Халқ таълими вазирлигига, вилоят ва туман ҳокимларига, вилоят халқ таълими бошқармасига, шаҳардаги барча оталиқ ташкилотларга катта миннатдорчилик билдирамиз. Бу ғамхўрликка жавобан, мустақил Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлиб дунёга танилишида Косон шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси барча имкониятларни ишга солаверади.

З. ДУСТЕРОВА,
Қашқадарё вилояти Косон шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

(Боши 1-бетда).

Мустақиллик шароитида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг салмоғи ва аҳамияти ҳам ўз-ўзидан ортиб бораверади. Биз эндиликда шўро империяси давридагидек бир ёқлама, фақат партия айтганини қулоқ қоқмай бажарадиган маъмуриятчи ва манфаатпарастларни эмас, халқ ва эл-юрт учун, унинг бахт-саодати учун, мустақиллик йўлида жон фидо қиладиган кишиларни — малакали мутахассислар, билимдон кадрларни тарбиялаб вояга етказишимиз керак.

Ҳа, бугунги кунда фаол ишлашдан манфаатдор, маҳоратли, куч-ғайрати жўш уриб турган кишилар мамлакатимизга сув билан ҳаводай зарур. Бундай кадрлар эса мактабларда, олий ўқув юртларида, жамоада, маҳаллаларда, оилада камол топади. Биринчи навбатда уларнинг руҳияти миллий истиқлол мафкурасига уйғун бўлишига эришишимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим».

Бизнинг ўқув масканимизда ҳам ёшларни тарбиялашда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки улар келажакда иҳтимоий таъминот ҳуқуқшунослиги касбини эгаллаб, етук мутахассислар бўлиб етишадилар. Аввало шуни айтишим керакки, ижтимоий таъминот ҳуқуқшунослиги техникуми Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Марказий Осиё давлатлари ичида ҳам ягона ўқув маскани ҳисобланади. Бу, албатта, ҳукуматимизнинг Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий масалаларга, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга нечоғли катта аҳамият билан қараётганидан далолатдир.

Кейинги вақтда Президентимиз томонидан чиқарилган қатор фармонлар, пенсия соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги ҳукумат қарорлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга бағишланган бошқа кўпгина хайрли тадбирлар, моддий-маънавий ўзгаришлар техникум фаолияти учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, пенсия тўғрисидаги қонунларни чуқур идрок қилмасдан, уни амалда қўллай билмасдан туриб, аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб турган пенсионерларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётганлиги, пенсия миқдорларининг 5-6 марта ўзгарганлиги, талабалар, кам таъминланган оилалар нафақаларининг кескин оширилганлиги, давлатнинг бу соҳага бўлган доимий эътибори ва ғамхўрлиги, Президент фармонлари бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Чунки ардоқли ва фахрли пенсионерларга хизмат кўрсатадиган, қонуний йўл билан уларга йўл-йўриқ ва маслаҳат берадиган, оғирини енгил қиладиган кадрларнинг талай қисми бизнинг техникумимизда тайёрланади.

ЁШЛАР— ЭРТАНИНГ ЭГАСИ

Жамоамизнинг асосий вазифаси, авваломбор, билим юрти остонасига эзгу ният билан қадам қўйган талабаларни ҳар томонлама етук, меҳнат ва ҳуқуқ билимлари ҳамда қонунларини пухта эгаллаган билимдон мутахассислар этиб тайёрлашдир. Улар миллий қадриятларимизни эъзозловчи, маънавий-аҳлоқий комил инсонлар бўлишлари керак.

Шу мақсадда биз жамоамиз билан келишилган ҳолда техникумда мутахассислик фанларидан ташқари инсоннинг тафаккурини чархловчи, жамиятда ва турмушда бўлаётган ўзгаришларни тезроқ илғаб олишга ундовчи дастурларни ўқув режасига киритдик. Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, фалсафа, одобнома дарслари ана шулар жумласидандир. Бу фанларни чуқурроқ ўрганиш-ўргатиш мақсадида малакали мутахассисларни, нуфузли профессор-ўқитувчиларни техникумимиз педагогик жамоасига жалб этдик.

Ўзбекистон мустақиллиги, унинг ўз истиқлол йўли, порлоқ келажаги ҳақидаги Президентимиз қаламига мансуб китобларни ўқиб-ўрганишга бағишланган машғулотларимиз талабаларимизда, айниқса, катта таассурот қолдирмоқда. Бу ўз навбатида талабалар дунёқарашини шаллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Уларда она Ватан манфаатларини ҳимоя қилишдан ғурурланиш, чинакам ватанпарварлиги, келажаги буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш ишига ҳисса қўшишдек олижаноб туйғуларни уйғотмоқда.

Ҳозир янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаш учун биз етарли шарт-шароитларга эгамиз. Ижтимоий таъминот вазирлиги, айниқса, техникумнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, талабалар ва ўқитувчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш, ётоқхоналар ва ўқув хоналарини қайта таъмирлаш, керакли жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишларига катта эътибор бермоқда.

Техникумнинг энг муҳим томонларидан бири шундаки, бу ўқув маскани кўпроқ пенсионерлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ногиронлар, ижтимоий таъминот соҳасида ишлаб турган ёшлар қабул қилинади. Улар биринчи навбатда ётоқ-жой ва стипендия билан таъминланади. Аммо талаб битта: ўқишга кириш тартиби «конкурс» ҳаммага баравардир.

Бу йил техникумнинг кундузги бўлимига «Ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва ҳуқуқ соҳасига 150 нафар, уй-жой шароитида меҳнатга лаёқатли қарияларга ижтимоий таъминотни ташкил этиш, мутахассислиги бўйича эса 30 нафар ўқувчи қабул қилишни режалаштирганмиз. Сиртқи бўлимда 200 нафар ёшлар таълим олишади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз бу йил сиртқи бўлимда иккита гуруҳдан иборат жами 62 нафар ўқувчини шартнома асосида пуллик курсга қабул қилишни йўлга қўйдик.

Умуман пенсионерларга сидқидилдан хизмат қилишдек фахрли касбга бел боғлаган толиби илмлар техникумда барча соҳалар бўйича ўзларини синаб кўришлари мумкин. Имтиҳонлардан «бехатар» ўтиб ўқув юртида ўқиш бахтига муяссар бўлганларга ҳар томонлама чуқур билим беришга кафолат берамиз.

Муҳаммаджон ҚОРИЕВ,
Тошкент ижтимоий таъминот ҳуқуқшунослиги техникумининг директори.

• Соғлом авлод учун

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ЙЎЛЛАНМА

Мактабларни битирган 75 нафар йигит-қиз кириш имтиҳонларисиз ва тест синовларисиз Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг биринчи курсига қабул қилинди. Булар йирик халқаро ва республика мусобақаларида қатнашиб, намуна кўрсатган ёш спортчилардир. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини олдилар.

7 июль куни жисмоний тарбия институтида тантанали учрашув бўлди, унда бир гуруҳ спортчиларга — мактабларни битирган бир гуруҳ спортчи ёшларга олий илмгоҳга қабул қилингани ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Олий ўқув юртига йўлланма олганлар сафида енгил атлетика, сузиш, баскетбол, волейбол, футбол билан шуғулланадиган спортчилар, байдарка ва каноэда эшкак эшиш усталари бор. Спортдаги муваффақиятлари билан жисмоний тарбия институтида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритганлар орасида кураш, эркин кураш, юнонча-римча кураш, дзюдо, самбо, шунингдек спорт акробатикаси ва гимнастикаси, бокс, гандбол, теннис, қиличбозлик, чим устида хоккей каби спорт турларининг вакиллари кўп.

(ЎзА мухбири).

Янгилаш даври, янгиланиш даври

РЕЙТИНГ — КЎП ҚИРРАЛИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон давлатининг «Таълим тўғрисида»ги қонунидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика олий ўқув юртларида талабалар ўзлаштиришининг кўп босқичли назорати тўғрисидаги мувақкат низомни қабул қилди. Низомга биноан 1992-93 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг билим олишини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга ошириладиган бўлди.

Рейтингнинг асосий мақсади нимадан иборат?

Шу пайтгача талабаларга бир йилда 18 ҳафта мобайнида дарс бериб, уларнинг кундалик машғулотларини қандай ўзлаштирганлигини текшириш назоратдан четда қолганди, аниқроғи, назоратни сессия даврида ҳар бир талаба учун режада ажратилган 15 минут ичида амалга оширар эдик. Натижада талаба ўз ҳолига ташлаб қўйиларди, уларнинг аксарият ўтилган дарсларни ўзлаштиришни, сессия даврида имтиҳондан олдин бериладиган 3-4 бўш кунга қолдирар, имтиҳон саволларига юзаки тайёрланарди. Натижада иш бўш мутахассис тайёрлаш билан якунланар эди. Эндиликда Ўзбекистонимиз собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб, олий таълим тизимига туб ўзгаришлар киритмоқда, эски ўқитиш системасидан воз кечмоқда. Сабоқ бериш жараёнининг рейтинг системаси, шу вақтгача қўлланиб келинган «18 ҳафта билим бериш ва ўзлаштиришни сессия даврида 15 минут синаш» системасида билим бериш ва ўзлаштиришни синаш орасидаги катта бўшлиқни тўлдиришга қаратилганди. Рейтинг системаси асосида бугун берилган билимни, эртасига талаба томонидан қандай ўзлаштирганини текшириш ғояси ётади. Баҳолашни рейтинг асосида олиб бориш эса юқоридаги барча камчиликларга барҳам беради, яъни талабаларга чуқур билим бериш мезони ишлаб чиқилган бўлса, иккинчидан ҳар 6 ойда ўтказиладиган сессиялар учун ажратиладиган вақт тежаб қолинади. Демак, 1-ўқув йилида 6 ҳафта вақт иқтисод қилинади. Бу вақтдан эса турли мақсадларда унумли фойдаланса бўлади.

Талабанинг дарсларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз баҳоланиб борилади. Натижада талаба кундалик дарсни ўзлаштиришга мажбур бўлади, конспект ва китоб устида ҳар кун ишлайди. Ўз билимини узлуксиз ошириб боради. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида рейтинг системасини амалда жорий қилиш, рейтинг балларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, шу куннинг асосий масалаларидан бири.

Мувақкат низомга мувофиқ талабаларнинг билим олиш жараёнини назорат қилишни узлуксиз равишда 3 босқичда амалга ошириши мумкин.

1-БОСҚИЧ, одатдаги текширув (ОТ) бўлиб, у кундалик ўтилган дарсни талаба қандай ўзлаштирганини назорат қилиш. Ҳар бир текширувда талабанинг жавобига қараб, унга рейтинг баллари қўйилади. ОТда талаба тўплаган рейтинг баллари йиғиндиси асосий рейтинг балларининг (3 босқичда тўплаш мумкин бўлган рейтинг баллари йиғиндисининг максимуми) 45-55 фоизни ташкил этиши керак.

Талаба рейтинг балларининг катта қисмини ОТда тўплайди. Демак, талаба кундалик машғулотларга доимо тайёргарлик билан бориши керак.

2-БОСҚИЧ, бу чегаравий назорат (ЧН) бўлиб, у ўтиладиган фан бўйича маълум бир мавзуни талаба томонидан қандай ўзлаштирганини кўзда тутади. Бунда ҳам талабанинг жавобига қараб унга рейтинг қўйиб юборилади. ЧНда талаба тўплаган рейтинг баллари йиғиндиси асосий рейтинг балининг 30-36 фоизини ташкил этади.

3-БОСҚИЧ, бу якуний назорат бўлиб, у дарс соатлари тугагандан кейин бутун курс даврида ўтилган темаларни талаба қандай ўзлаштирганини текширишни кўзда тутади. Талабанинг жавобига қўйилган асосий рейтинг баллари 15-10 фоизни ЧН ташкил қилади.

Шу 3 босқичда тўпланган асосий рейтинг балига кўра талабага қуйидаги саралаш интерваллари асосида якуний баҳо қўйилади:

— «3» агар талаба тўплаган рейтинг бали асосий рейтинг балининг 55,1-70 фоизи орасида бўлса;

— «4», агар талаба тўплаган рейтинг бали асосий рейтинг балининг 70,1-85 фоизи орасида бўлса;

— «5», агар талаба тўплаган рейтинг бали асосий рейтинг балининг 85,1-100 фоизи орасида бўлса.

Термиз давлат университетида шу низомга мувофиқ амалий дарсларда ҳар 4 соатда бир марта, 5 баллик баҳолаш бирлиги билан талабанинг билимини ОТ қилишга қарор қилишди. ОТ дарс жараёнида амалга оширилади. Уй вазифани текшириш, талабадан сўраш, амалий иш сифатига баҳо бериш аудиторияда мунозара тарзида ўтказилади.

ОТда ҳар бир ўқитувчи шуни ёдда тутиши керакки, талаба 2-3 минут ичида баҳоланиши керак ва ОТ фақат 4 соатлик материални ўз ичига олиши лозим. ОТни дарс жараёнида ўтказишнинг афзаллиги шуки, машғулотни талаба билан бевосита мулоқот асосида ташкил этишга имкон беради. Талаба ўқитувчи билан бирга фикрлайдиган дарсда актив иштирок этадиган бўлади. Жорий назоратни дарсдан ташқарида ташкил этиш керак.

ОТнинг ҳар учинчиси чегаравий назорат сифатида амалга оширилади, яъни ҳар 12 соатда бир марта ОТ чегаравий назоратга алмаштирилади. Чегаравий назорат дарс жараёнида амалга оширилади ва 6 баллик баҳо бирлиги билан баҳоланади. Назорат тури сифатида дарс жараёнида 20-25 минутлик ёзма иш ёки тест синовлари қабул қилинди. Назоратнинг реферат ёздириш турини ҳам баъзи фанлар бўйича қўллаш учун келишиб олиш мумкин.

ЧН, фақат 12 соатлик дарс материаллари бўйича ўтказилади.

Якуний назоратни деканат томонидан тасдиқланган жадвал асосида дарсдан ташқари вақтда курс материаллари бўйича 3-4 соатлик ёзма иш тест синови орқали амалга оширилади.

Маъруза дарсларида одатдаги текширувдан воз кечмоқ даркор. Чунки, уни 59-70 кишилик аудиторияда амалда ташкил этиш анча мураккаб иш. Маъруза дарсларида ҳар 10 соатда бир марта чегаравий назоратни дарс жараёнида 15 баллик баҳолаш бирлиги асосида ўтказиш маъқул. Чунки талаба амалий машғулотда 12 соат ичида 16 балл тўплайди. (Жадвалга қаранг). Бундан маъруза дарсларидаги ЧНни 15 баллик системада баҳолаш керак. ЧВда талабаларнинг билимини баҳолашни, масалан 20-25 минутлик ёзма иш ёки тест синовларини ташкил этиш билан амалга ошириш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, улар фақат 10 соатлик дарс материаллари асосида ташкил этилган бўлиши керак. Ёзма иш ёки тест синовларини шундай уюштириш керакки, уни ўртача билимга эга бўлган талаба 20-15 минутда бажара оладиган бўлсин. Уларни катта эътибор билан тузиш лозим. Улар кафедра йиғилишида тасдиқланган, махсус комиссия кўригидан ўтган бўлмоғи зарур. Ёзма иш ва тест синовларида ноаниқликларга йўл қўймаслигимиз керак.

Якуний назорат амалий машғулотлар дагидек деканат томонидан тузилган жадвал асосида 3-4 соатлик ёзма иш ёки тест синови формасида ўтказилади.

Шундай қилиб талабанинг умумий рейтинг бали асосий рейтинг бали билан деканатнинг 12,5 фоизли қўшимча рейтинг баллари йиғиндисидан иборат бўлади. Талабанинг баҳоси унинг умумий рейтинг балини қайси саралаш баллари оралиғига тушишига қараб қўйилади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, саралаш баллари асосий рейтинг балига нисбатан олинади.

Қуйида юқорида айтилган фикрларни амалда бажаришда жуда катта ёрдам берадиган жадваллар келтирилган.

ОДАТДАГИ ТЕКШИРУВ (ОТ) ВА ЧЕГАРАВИЙ НАЗОРАТ (ЧН) РЕЙТИНГ БАЛЛАРИНИ ҚЎЙИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

Дарс соатлари	2	4	6	8	10	12	14	16	18	20	22	24	26	28	30	32	34	36	38	40	42	44	46	48	50	52	54	56	58	60	62	64
Амалий дарсда назорат тури		ОТ		ОТ		ЧН		ОТ		ОТ		ЧН		ОТ		ОТ		ЧН		ОТ		ОТ		ЧН		ОТ		ОТ		ЧН	...	...
Баҳолаш бирлиги		5		5		6		5		5		6		5		5		6		5		5		6		5		5		6	...	...
Маъруза дарсида назорат тури						ЧН				ЧН				ЧН						ЧН						ЧН				ЧН	...	...
Баҳолаш бирлиги						15				15				15						15						15				15	...	...

ЭСЛАТМА: ОТ ва ЧН дарс жараёнида амалга оширилади.
Амалий дарсларда ҳар 12 соатда 2 марта ОТ, 1 марта ЧН ўтказилади, семестр охирида бу мосликка тўғри келмайдиган соатларда ОТ ва ЧН ўтказилмайди. Асосий рейтинг баллари ОТ рейтинг баллари йиғиндисининг 2 га кўпайтмасига тенг. Маъруза дарсларида ҳар 10 соатда 1 марта ЧН ўтказилади, семестр охирида бу мосликка тўғри келмайдиган соатларда ЧН ўтказилмайди. Асосий рейтинг баллари ЧН рейтинг баллари йиғиндисини 4\3 га кўпайтмасига тенг.

ТАЛАБА БИЛИМИНИ РЕЙТИНГ СИСТЕМАСИ АСОСИДА БАҲОЛАШ ЖАДВАЛИ

Фанинг номи ва тури	Дарс соатлари ҳажми	Одатдаги текширув		Чегаравий назорат		Якуний назорат РБ	Асосий РБ	Кўчишма РБ	Умумий РБ	Ижобий баҳолар		
		Баҳолаш сони	Тўпланган РБ жами	Баҳолаш сони	Тўпланган РБ жами					"3"	"4"	"5"
"—"		2К	5х2К=10К	К	6хК=6К	4К	20К	2,5К	22,5К	(11К; 14К]	(14К; 17К]	(17К; 22,5К]
Амалий дарс	Е		50%		30%	20%	100%	12,5%	112,5%	55,1-70%	70,1-85%	85,1-112,5%
"—"	Д	—	—	Т	15Т	5Т	20Т	2,5Т	22,5Т	(11Т-14Т]	(14Т-17Т]	(17Т-22,5Т]
Маъруза дарси					75%	25%	100%	12,5%	112,5%	55,1-70%	70,1-85%	85,1-112,5%

Бу ерда К=[Е:12]; Т=[Д:10], [ ] — соннинг бутун қисми, РБ - рейтинг баллари.
Дарс соатларни ҳажмига қараб К ва Т ларни турлича танлаш мумкин. Масалан: К=[Е:18], Т=[Д:12].

Н. ТУРАЕВ,
Термиз давлат университети ректори,
Ўз РФА мухбир аъзоси,
М. МИРСОБИРОВ,
доцент,
Ҳ. ТУРАЕВ,
доцент.

Акс-садо

«УНЛИ ТОВУШЛАР НЕЧТА?»

(«МАЪРИФАТ», 1993 ИЙЛ 3 ФЕВРАЛЬ).

Бухоролик муаллим Хўжамурод Жўраевнинг шу номли мақоласи ўзбек тили ўқитувчиларида қизғин фикрлар уйғотди. Таҳририятимизга айнан ўша мақола юзасидан келаётган хатлар шундан далолат бермоқда.

Уларнинг кўпчилигида кўтарилган масаланинг долзарблиги, таъкидланиб, муаллифнинг ўзбек тилида унли ҳарфлар 7 та деган фикрига хайрихоҳлик билдирилган. Шу билан биргаликда, бу таклифга эътироз билдирилган хатлар ҳам йўқ эмас. Яхшиси, мактубларнинг бир қисмини ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Баҳодир КОМИЛОВ — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 1-мактабнинг она тили ўқитувчиси:

Биз ҳозиргача ўқувчиларга унлиларни 10 та деб тушунтириб келаяпмиз. Ҳамкасбим ўзбек алифбосида унлилар 7 та дейди. Унда еттинчи унли ҳарф қайсиниси?

Яна бир эътирозим шуки, у ва ў товушларининг ўз қолича ишлатилиши тўғри, менимча. Негаки, урган — ўрган, ун — ўн каби шаклли бир хил, маъноси бошқа-бошқа сўзлар тилимизда талайгина.

Ғайрат ДОНИБЕК ўғли — Қарши давлат дорилфунуни катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди:

Албатта, муаллиф тасаввуридаги алифбода шу пайтгача унли товушлар деб келинган е, ё, ю, я ҳарфларини учратмаган киши ажабланиши мумкин. Бироқ кўникма ҳосил бўлгунча давом этадиган бу ажабланиш ўткинчи нарса.

Амалдаги «Алифбе» китобида э—е товуши алоҳида мавзуларда, сўз бошида э ва сўз ичида е қўлланилиши бир-биридан ажратилган ҳолда ўргатилади. «Элбек кемада келди. Уни Мелибек кутиб олди» каби содда мисоллар келтирилган бўлса-да, бу ҳолатни биринчи синф ўқувчисига тушунтириш қийин. Е, ё, я, ю ҳарфлари алфавитдан чиқарилса, «Элбэк кэмада кэлди» тарзида э товушини равшан тасаввур этиш имконияти туғилади.

У, ў товушларининг серталаффузлигини эътиборга олиб, улар оралиғидаги яна бир товушга тимсол берайлик, дейлишида жон бор. Шу билан биргаликда и, о, а унлилари ҳам серфонэмал хусусиятга эга. Ҳар бир фонемалар учун шакл бераверсак, имлода ноқулайликлар келиб чиқиши мумкин. Яхшиси унлилар сонини олтита (а, о, и, у, ў, э) десакда, е, ё, я, ю ва тилимизга мутлақ ёт бўлган ц ҳарфидан ҳам воз кечсак.

Шобир ХУДОИҚУЛОВ — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси:

Х. Жўраевнинг ўзбек алифбосида унлилар еттита, деган фикрига қўшилмайман. Негаки, у билан ў унли товушлари оралиғидаги мавжуд товуш рус тили орқали кирган колхоз, совхоз каби сўзларда ҳамда қипчоқ диалектига кирувчи баъзи шеваларда учрайдиган сўзларда учрайди.

Шунинг учун бу оралиқ товушни тимсолий унли қилиб киритиш шарт эмас.

Менимча, муаллиф айтаётган «дош» қўшимчаси ҳам бу ўринда яқинлик маъносини эмас, балки ундошни унлидан ажратиш учун ишлатилган элементдир. Чунки, унли товушлар овоз (ўн)дан иборат, ундошлар эса шовқин, баъзан эса шовқин билан овознинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Мақолада я (йа), ю (йу), ё (йо), е (йэ) унлилари, «йо»лашган бўлиб, қўш ундош товушларни ифодалайди, деб таъкидланган. Ахир тўрттала йолашган унлилар таркибида ҳам битта й ундоши иштирок этади. Қолганлари эса унли-ку!

Иброҳимжон ИСАЕВ — Наманган вилояти Поп туманидаги 2-мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўқитувчиси:

Мазкур мақоладаги фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Боиси, биринчидан, унли ва ундош товушлар ўртасидаги асосий фарқ нимадан иборат эканлиги очиқ-ойдин кўрсатилмаган. Муаллифнинг айтишича, унли товушлар бир овоздангина, ундошлар эса қўш овоздан ҳосил бўлади. Менимча, уларга ҳозирги дарсликларда берилган таъриф тўғри.

Энг, аввало, «йо»лашган дейилган товушлар қўш ундош эмас, балки қўш товуш (ундош + унли)дан иборат бўлади. Мақолада «унли ҳарфлар», «ҳар бир ҳарфнинг товуш ифодаси» сингари мантиқан нотўғри ибораларга келтирилган. «Унли», «ундош» каби атамалар ҳарфларга эмас, товушларга нисбатан ишлатилади.

Абдурасул РАЖАБОВ — Гулистон давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти кулliёти толиби:

Менимча, ўзбек алифбосида унлилар 10 та ҳам, 7 та ҳам эмас, балки 8 тадир. Х. Жўраевнинг мақоласида кўрсатилган 6 та унли ва аниқланиши керак бўлган оралиқ товушдан ташқари оғзаки нутқимизда ва ёзмада кўп ишлатиладиган «и» унлисининг яна бир (тимсолий) ҳарфий белгиси бўлиши шарт. Чунки озиқ, чопқир, топқир сўзларининг иккинчи бўғинидаги «и» унлиси, илмли, билимли ва шу каби сўзлардаги «и» унлисидан бошқача талаффуз этилади. Шунинг учун улар оралиғида ҳам товуш мавжуд.

ТАҲРИРИЯТДАН: Кўриниб турибдики, «Унли товушлар нечта?» мақоласига билдирилган фикрлар ранг-баранг. Шунинг учун ҳам, шундай бир ҳақли савол туғилади. Айнан мактаблар учун «Алифбе» дарслигини тайёрлашга масъул кишилар бу баҳсли масалага қандай қарашар экан? Негаки, юқоридаги қарама-қарши фикрлар жойларда ўқувчиларга муаллимлар турлича тушунча бераётганлигидан далолатдир. Шундай экан, тилшунос олимларимиз яқин кунларда бу борада бир тўхтамга келиб, ҳамма учун ягона бўлган қўлланма яратишар. Агар ҳозир қўлланилиб келинаётган «Алифбе» дарслиги тўғри бўлса, унда уларнинг илмий асосланган мулоҳазаларига умид боғлаб қоламиз.

ҚУВОНЧЛИ ДАМЛАР

Инсон ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, бундай дақиқалар хотирада ўчмас из қолдиради. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти битирувчи талабалари ҳаётида яқинда ана шундай қувончли воқеа — диплом топшириш тантанали йиғини бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари байрамона безатилган Аброр Ҳидоятов номли драма театри биносига тўпландилар. Йиғилишни институт ректори, профессор К. Юсупов очди ва ҳозирги кунда республикамиз раҳбариятининг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини, бу ғамхўрликка жавобан мустақил жумҳуриятимизнинг янада равнақ топиши учун ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиш лозимлигини айтди. «Ҳеч бир халқнинг ташқаридан бирон келиб бахтини яратиб бермаган, ҳар бир халқнинг тараққиёти ўзининг ичидаги улуғ кучларга — талантли ва яратувчи кишиларга боғлиқ. Ана шундай кишиларнинг ажойиб вакиллари бугун шу ерга келдилар», — деди ректор.

Битирувчи талабаларни институтнинг кўп сонли профессор ўқитувчилари номидан Бошланғич таълим услубияти факультети декани, доцент С. Валиева табриклади.

Профессор Э. И. Николаева ва доцент Н. Ёқубовлар ўқитувчилик касбининг улуғлигини, ҳозирги мустақиллик мактабга кўп жиҳатдан боғлиқлигини, шунинг учун ҳам ўқитувчи касбига муносиб бўлишни, ёшлар тарбиясидаги қийинчиликлар ва бунн мардона енгиш ҳақида сўзладилар.

Битирувчи курс талабалари номидан индустриал педагогика факультети битирувчиси М. Мирхолдаров, БТУ битирувчиси Н. Брашовалар беш йил давомида олган билим ва тарбиялари учун ўз устозларига миннатдорчилик билдирдилар ва ўқитувчилик касбига доимо содиқ бўлиб ўз устиларида тинмай ишлаб ёш авлодни истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашга сўз бердилар.

Сўнгра энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Институтни муваффақиятли тамомлаган 1725 та талабадан 138 тасига имтиёзли дипломлар топширилди. Бу тантанали дақиқалар тугагандан сўнг битирувчилар қасамёди қабул қилинди.

М. ЛАФАСОВ,
Низомий номидаги ТДПИ доценти.

Тарихимизнинг унутилмас саҳифалари

«ҲАҚ ЭДИМ, НОҲАҚ БЎЛДИМ...»

ҚАЙЮМ РАМАЗОН КИМ ЭДИ?

20—30-йиллар ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги, айниқса, педагогикасининг кўзга кўринган етук вакилларидан бири Қайюм Рамазон эди. У ўзбек тилшунослиги, унинг тарихи ва ўша даврдаги аҳволини илмий-методик жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш соҳасида профессор Ғози Олим Юнусов, ҳатто жаҳон тилларининг буюк билимдони, профессор Е. Д. Поливанов даражасига тенгалаша оладиган назариётчи ва амалиётчи олим эди.

Қайюм Рамазонов Тошкентда Каллахона маҳалласида туғилди. Ёшлиги бир-бирига туташ бўлган Подахона мавзесига қарашли Обназар, Лангар маҳаллаларида ўтди. Мавзеда миллатимизнинг бўлажак дарғалари — атоқли олим, педагог ва маданият арбоблари Шаҳид Эсон Мусаев, Илҳом Исломов, Саид Ғафурий, Рустамбек Юсуфий, Саъдулла Қори Шомуҳамедов, Иброҳим Афанди, Муҳаммад Одилий, Сирожиддин Маҳмудий, Абдумуҳайин Одилий кабилар билан ўқиди, улғайди.

Эндигина 8 ёшга кирган Қайюм биринчи босқич эски мактабнинг 3 йиллик тўла курсини битирди. 1908 йил июлида отаси Рамазон домла Зуфар ўғли уни Кўкалдош мадрасаси қошидаги араб-форс тилларида таълим берувчи иккинчи босқич мактабга беради. Ушбу мактаб, ўз таълим йўналишига кўра. тил ўрганиш орқали арифметика, жуғрофия ва исломшуносликни ҳам ўргатарди. Тил ўрганишга бўлган эътиқод ва эҳтиёж эса Қайюмда кучли эди. Бунинг бонси бор эди, албатта. Унинг отаси Рамазон домла катта мударрис бўлиб, ўз ўғлининг эскича саводини, фикрлаш қобилиятини у беш яшарлигидаёқ чиқариб қўйган эди. Ота араб ва форстожик тилларида эркин сўзлаша оладиган мударрис эди. Отанинг ўгитлари ва таълимини олган фарзандлар — катта ўғил Самад ва укаси Абсаломлар ҳам Тошкент шаҳрида танилиб қолган ҳурматли ўқитувчи-тарбиячи эдилар.

1918 йили ота Қайюмни Бухоро олий мадрасасига ўқишга юборади. У ерда икки йил ўқигач, қайтиб келиб Тошкентда олий педагогика институтида таълим олади; тил илми бўйича аспирантурага киради, қатор тадқиқот ишлари ёзади. У 1923 йилдан турли мактаб ва техникумларда, илмий ташкилот ва олий ўқув юртларида ўзбек тили методист-ўқитувчиси сифатида тилшунослик, умумий тилшунослик, қиёсий грамматика, фонология ва лексикология илмларидан, айниқса, туркий филологиядан намунали дарслар бериб, ўз муҳлислари ва шогирдлари орасида шуҳрат топа борди.

Ёш олим туркология, ўзбек тилшунослиги. муаммолари юзасидан тинмай изланди: у Москва, Санкт-Петербург илмий тадқиқот институтларига бориб жаҳон туркологияси ва тилшунослигининг тан олинган арбоблари — профессорлар Е. Д. Поливанов, Е. Э. Бертельс, К. Юдахин кабилар билан учрашди, мулоқотда бўлди. Ҳатто 1930 йилда профессор Е. Поливанов билан ҳамкорликда «Аланга» ойномасининг 2- ва 5 — 6-қўшма сонларида «Тилларнинг ўзгаришидаги иқтисодий омиллар» деб номланган мақолалар туркумини ҳам эълон қилди.

Қайюм Рамазондаги ўзбек тили, унинг тарихи, ҳатто умумий тилшуносликнинг чигал муаммоларини тадқиқ этиш ва тўғри илғаб олиш қобилияти Тошкент педагогика олий ўқув юрти жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортди. Илмий кенгаш унга 1930 йилда «доцент» илмий унвонини берди.

ИЛМГА ТАШНАЛИК

Иқтидорли олим узоқ йиллар тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида илмий ходим сифатида тилшунослик назарияси ва тарихи билан шуғулланди: у жумҳурият педагогика ва Олий мактаб уюшмасининг, атамалар қўмитаси кенгашининг аъзоси эди. У Боку, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда ташкил қилинган тил ҳақидаги анжуманларнинг қатнашчиларидан бири сифатида сўзлаган, маъруза қилган олимлардан бири эди.

Қайюм Рамазон «Ўзбек тили» дарслигини ёзди. Дарслик ўзбек тилининг сўз тузилиши, морфологиясига бағишланган эди. 1919 йилда эса у атоқли филологлар — Мунаввар қори Абдурашидов ҳамда Шорасул Зуннун билан «Тил сабоқлари» дарслигини яратди. Китоб турли тортишувлар билан 1923 йилда чоп этилди. Шундан сўнг ушбу дарслик учўрт марта қайта нашр қилинди.

Қайюм ака тафаккурида барқ урган тил илмининг чигал муаммоларини тадқиқ қилиш соҳасидаги куч унга тиним бермади. У ўзбек илмоси ва унинг келажак тақдири бўйича тадқиқот ишлари олиб борди. «Исломдаги бирлик учун» (1923), «Луғатнинг бойиши» (1924) каби мақолалари эълон қилинди; 1923 йилда Бухорода бўлиб ўтган илмо анжуманида Ғози Олим Юнусов, Мунаввар қори Абдурашидов, Элбек, Мусажон Саиджонов, Санжар Сиддиқов, Комил Алимов каби иқтидорли тилшунос олим, педагог ва таржимонлар билан бир сафда қатнашиб, у араб имлосидан рус имлосига ўтишдаги ҳаракатларга ўзининг жиддий муносабатини билдирган эди.

Олим ўзининг 1930 йилда профессор Евгений Дмитриевич Поливанов билан ҳамкорликда ёзган «Тилларнинг ўзгаришидаги иқтисодий омиллар» деб аталувчи илмий жиҳатдан ўткир, лингвистик томондан бақувват мақоласи орқали биргина ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун тилшуносликда шуҳрат қозонган эди. Чунки ушбу туркум тартибида босилган мақолада жаҳон тилшнослигида ечимини кутаётган муаммо — ер юзидаги барча тиллар, уларнинг ўзгаришида асосий омил — иқтисодий бирлик, яшаш тарзи, меҳнат жараёни эканлиги аниқ ва ишонарли далиллар билан асослаб берилган эди.

Умумий тилшунослик, ўзбек тилшунослигининг ўткир билимдони Қайюм Рамазон туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилидаги сингармонизм ҳодисаси тўғрисида қатор чиқишлар қилган (кўпроқ институт кафедраларида лекциялар), мақолалар эълон этган эди. У айтган эди: «Барча туркий тилларнинг ўзаги бир оиладан, қадимги обидалар — «Урхун-Енисей» ва «Уйғур ёзувлари»нинг ҳаммаси бир ўзак тил ва бириктмалардир. Тарихан қон-қонимизга сингиб кетган нутқимиз гўзаллиги талаффузда товушлар мослашуви, ҳаракатланувчи туркий тилларнинг ўзига ярашиқлик, жозибадорлик касб этгон ҳодисадур. Шу томондан қарасак, ўзбек тили ҳозирда ўз руҳидан бу ҳодисани қувғинликка солмоқда. Ахир, сингармонизм бутун туркий эллар учун бузилмас темир қонун бўлмоғи лозим эмасми, тилимиз ҳуснини бузмайлик».

Олим олға сурган назария Шўро ҳокимияти яловбардорларига, НКВД ходимларига ёқмади. Фақат талаффузнинг бузилиши ва имло ислоҳотидаги монеликларгина эмас, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек тили фани бўйича олиб борган назарий, амалий машғулотларида ўн-ўн беш дақиқалик ахлоқодоб юзасидн ўтказган суҳбатлари, бунда кўпроқ ўтмиш ҳаёт тарзимиз, ўзлигимизнинг ибратли томонлари, Навоий, Фузулий, Бобур асарлари, Чўлпон шеърларининг ғоявий йўналишлари, айниқса, Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳадисларидан ёддан парчалар айтиб, уларнинг маъноларини «чақиб» берарди.

Бугина эмас, олим ва педагог жуда нуфузли инсон, ўта маданиятли зиёли сифатида талабалар ва аспирант-илмий ходимлар орасида миллий иттиҳод — миллий истиқлол ва унинг моҳияти ҳақида ҳам яширин, ҳам ошкора суҳбатлар олиб борарди. Булар казолар — кузатувчилар эътиборидан четда қолмаганди.

ҚОРА БУЛУТЛАР ГИРДОБИДА

Олимда ўша 20-йиллар ўрталаридаёқ Туркистонда босқинчилар томонидан миллатчилик, якка ҳокимиятчилик, айримачилик ва муштумзўрлик авж олганлигига норозилик кучая борган эди. Бу норозилик, собиқ НКВДнинг ҳужжат асровида сақланаётган «иш»нинг 25-саҳифасида гувоҳлик берилишича, олим томонидан қуйидагича кўрсатилган эди: «1926 йилда аксил инқилобий ташкилотнинг бир кенгашида мен, Ғози Олим Юнусов, Абдурауф Фитрат, Элбек, Санжар Сиддиқов, Абдулла Алавий, Отажон Ҳошим кабилар маҳаллий кадрлардан нега маданий-оқартув ва илмий ташкилот ҳамда муассасаларга раҳбарликка кўтарилаётгани ҳақида гапирдик. Айниқса, адабиёт ва адабиётшуносликда давлат томонидан эътибор деярли йўқлиги тўғрисида айтганман...».

Атоқли турколог олим, профессор Ғози Олим Юнусов 1937 йил, 5 октябрда Қайюм Рамазон ҳақида НКВДнинг сержанти Окжигитовга (зуғум остида) берган кўрсатмасидан баъзи бир маълумотларни ўқиймиз. Айтиш мумкинки, ушбу кўрсатма ўша давр учун турли азоб-уқубатлар, қийноқлар, ҳайвоний муносабатларни ишга солиб олинган бўлса-да, «Миллий истиқлол» ташкилотининг сирини ошкор қилиш ҳисобланарди. Аммо бу кўрсатмалар аслида тўғри, бор ҳақиқат эди.

Профессор берган кўрсатмада айтилишича, «Миллий истиқлол» аъзоси Қайюм Рамазонов «Она тили» (морфология) дарслигини ёзди. Бунда муаллиф ўзбек тилида сингармонизм принципини сақлаган. Машқлар матнларининг кўпчилиги «Миллий истиқлол» миллатчилик ташкилотлари аъзоларининг асарларидан олинган. Очиқ айтиш керак, ушбу дарслик ёшларни буржуа миллатчилиги руҳида тарбиялайди.

Ушбу мажбур-қистов, ўта зуғум асосида олинган кўргазма ҳозирги истиқлолга чиққан кунимизда ҳаққоний, ўз маъносида жаранглаётган бўлса-да, ўша адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари топталган 30-йилларда алломалар адресларига ёпиштирилган миллатчилик, халқ душмани каби тамғаларини босишда бош омиллардан бўлган эди. Чунки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида сингармонизм ҳодисасасини сақлаб қолиш назарияси ва талаби рус тили ҳокимлигининг бошқа миллий тиллар, шунингдек, ўзбек тили талаффузида ўртоқлашувига йўл қўймас эди. Аммо дарсликдаги машқларда ҳеч қандай миллатчилик руҳи йўқ эди. Унда «...қадимда лашкарбошиларнинг тарихий юришларида кўпинча эл учун тўла манфаат бўла олмаган эди» сингари гапларнинг мантиқи миллатчиликка йўйилди.

Профессор Ғ. О. Юнусов ўз кўргазмасини давом эттирар экан, у шундай фикрларни баён этади:

«...1919 йили Мунаввар қори, Шорасул Зуннун ва Қайюм Рамазон «Тил сабоқлари» дарслигини ёзишди. Дарслик тил ўрганиш, ёшларга она тилини ўргатиш соҳасида яратилган пухта асар. Бу дарслик 1923 йилда чоп этилди. У кўплаб қайта-қайта чоп эттириладиган бўлди. Аммо қайта ишлашда матнлар таркибига миллатчилик руҳидаги мисоллар кириб қолган...».

Ушбу кўргазмадаги мазмун ва мундарижа терговчи мақсадига у даража ботмади шекилли, у профессорга хўмрайиб туриб: «Рамазоновнинг лекция ва маърузаларида сингармонизмни «темир қонун» деб айтган гапларини нега айтмаяпсан!» деб берган қитмирлик оҳангидаги саволига у қўрқа-писа шундай жавоб қилган эди: «...Қайюм Рамазон кечки педагогика институтида тил тарихидан лекциялар олиб борган. Уларда ҳам миллатчилик руҳи бор. У лекцияларида «барча туркий тиллар қадимги обидалар — «Урхун—Енисей» ва «Уйғур» ёзуви» муштараклигида бир ўзак тилдир, деб кўрсатди...»

У Бокуда бўлиб ўтган тил ҳақидаги йиғилишда ҳам «сингармонизм туркий тилларда боқий ҳаракатланувчи куч» эканлигини исботламоқчи бўлди; у тил тараққиётини инкор этган ҳолда «синг-гармонизм» — бутун туркий тиллар учун бузилмас темир қонун» деб айтган эди» (1937 йил, 5 октябрдаги қайта сўроқдан, «4269-иш», 39-бет).

НАЖОТСИЗ ТАҚДИР

1937 йил 20 июль. НКВД терговчиси Тригулов қуйидаги қоралов руҳиятномасини ёзади:

«...Қайюм Рамазон «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси. У «Чиғатой гуруҳи» аксилинқилобий жамиятини бошқарган; шахсан беш кишини шу ташкилотга ёллаган. 1933 йилда миллатчилик (?) ташкилоти тузиб, у орқали Англия билан боғланган; сўнгра Шўро ҳукуматига қарши курашмоқчи (!) бўлган. Кейинчалик бу ташкилот тугатилган.

Қайюм Рамазон Ўзбекистонни Шўро Иттифоқидан ажратиб олиш учун қуролярок тўплашда қатнашган; охиригача Озарбайжон ва Туркманистондаги аксилинқилобий миллатчилик ташкилотлари билан узлуксиз алоқада бўлган... У ғоявий чалкаш, хавфли кишилар билан боғланиб тил қурилиши соҳасида аксилинқилобий қўпорувчилик қилган; булар унинг дарслик ва лекцияларида баён этилган...

Ватан хоини — шпионлар: Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Чўлпон ва Шаҳид Эсон Мусаевлар билан яқин алоқада бўлиб келган...» (4269-«иш», 10-бет).

Тригулов ушбу айблов хати асосида ўзининг зуғум ва туҳмат аралаш тергов ишларини бошлаб юборди:

— «Сиз ўзингизни аксилинқилобий пантуркистик ташкилот аъзоси сифатида айбдор эканлигингизни тан оласизми?»

— «Йўқ, мен бундай аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлмаганман. Лекин Советларга қарши миллатчилик ишларида ҳақиқатан қатнашганман, миллатчига миллатчилик қилганман» деб жавоб қилади Қайюм Рамазон.

Тригулов малла юзларини тобора буриштиради ва рангсиз кўзларини каттароқ очади. «Йўқ» деган кескин жавобга чопонини тескари кийган терговчи, жаҳл отига миниб, дейди:

— Рад этманг! Тўғри жавоб қилинг! Э, ўша ёлғон гапирган!..

Орада сокинлик. Бир оз вақт ўтгач «инсофга» келтирилган маҳбус бийронбийрон жавоб қилади:

— Тўғри, юрақдан жавоб қиламан. Ҳақиқатан ҳам мен, аксилинқилобий ташкилотнинг ўзбекистондаги бўлимида иштирок этганман...

— Қачон, қаерда ва кимлар билан?..

— «Миллий иттиҳод» асли аксилинқилобий ташкилот эмас; бу миллатлар бирлигини ташкил этади. Бунга мен 1919 йилда Тошкентда кирганман. Асадулла Хўжаев ёллаган. Рост гап, қамалгунимга қадар мазкур аксилинқилобий ташкилотда туриб Шўро ҳокимиятига қарши курашганман...».

— Сиз аксилинқилобий пантуркистик ташкилотининг ҳозирги кундаги аъзолари кимлар эканлигин айтиб беринг-чи.

— Улар қуйидагилар:

1. Ғози Олим Юнусов — тилчи, профессор.
2. Абдурауф Абдураҳимов Фитрат — адабиётчи, профессор.
3. Бўлат Солиев — тарихчи, ЎЗДУ профессори.
4. Абдураҳмон Саъдий — адабиётчи, Фарғона пединститути профессори.
5. Отажон Ҳошим — Ўзбекистон Фан қўмитасининг раиси.
6. Мен — Қайюм Рамазон — илмий ходим.
7. Чўлпон — ёзувчи, шоир.
8. Машриқ Юнусов Элбек — шоир, педагог.
9. Санжар Сиддиқов — адабий ходим, таржимон.
10. Жулқунбой — ёзувчи.
11. Ғулом Зафарий — ёзувчи, драматург.
12. Шокир Сулаймон — ёзувчи.
13. Ашурали Зоҳирий — педагог.
14. Шаҳир Эсон Мусаев — педагог.
15. Шорасул Зуннун — педагог.
16. Мулла Бегижон Раҳимов — педагог.
17. Исмоил Садри — педагог...

Бу далиллар тергов ишини «пухталаш» учун етарли эмас эди. 13 август куни гувоҳ Отажон Ҳошим билан қилган суҳбатнинг тергови материалида кўрсатилишича, унинг «Файзулла Хўжаев, ...Қ. Рамазон ҳақида маълумот берингчи, улар амалий жиҳатдан пантуркистик ташкилот олдига шахсан Хўжаев қандай вазифалар қўйган эди?» деган саволига қуйидаги, лўнда жавобни қилган эди:

«...Бизнинг пантуркистик ташкилотнинг асосий вазифаси қуйидагича эди:

1. Ҳозирги Ўзбекистон эгаллаб турган ҳудудда Туркияга ўхшаш буржуа давлатларини тузиш. Бу нарса. Ота Турк томонидан Ф. Хўжаевга кўрсатилган таъсир орқали ҳал этилиши керак эди.

2. Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш учун капиталистик давлатлар билан тез боғланиб, шу заҳотининг ўзида зудлик билан Советларга қарши жанг қилиш эди. Уруш эса Ф. Хўжаев томонидан Мальтус назарияси бўйича олдиндан режалаштириб қўйилган эди.

3. Адабиёт орқали ёшлар орасида пантуркизм ғояларини изчиллик билан сингдириш керак эди...».

Тергов давомида «Аксилинқилобий пантуркистик буржуа ташкилотининг машҳур аъзоларини айтиб бер» деган саволга қийноқлар, телба-тескари саволлар муҳиятида ўлар ҳолатга келган Отажон Ҳошим: «Қайюм Рамазон ҳақида гапирайми ёки, умуманми?!» — деган норозилик оҳангидаги саволни ташлайди.

— Ҳаммасини гапир! — деб ўшқиради терговчи Агабеков.

— Менга шахсан ташкилотнинг тил ва адабиёт соҳасида ишлайдиган қуйидаги аъзолари таниш, — деб гап бошлайди мадорсизликдан силласи қуриган олим ва бир оз нафасини ростлаб олгач, ташкилот аъзоларини номма-ном санай бошлайди:

1. Ўзим — Отажон Ҳошим.
2. Ғози Олим Юнусов — ЎзДУ профессори, тил ва адабиёт институти ходими, пантуркист, Туркияда ўқиган.
3. Фитрат — профессор, Туркияда ўқиган.
4. Турсун Иброҳимов — Ғози Олим ўқувчиси.
5. Иззат Султон — Фитрат ўқувчиси.
6. Ислом Аҳмедов — илмий ходим.
7. Ҳоди Зариф — Ғози Олим ўқувчиси.
8. Қайюм Рамазон — доцент.
9. Матқул Султонов — Фан қўмитаси раиси муовини, Германияда ўқиб келган, электр бўйича муҳандис.

Бундай мазмундаги савол ва жавоблар 1938 йилнинг 20-февралида Қайюм Рамазон ва Санжар Сиддиқ юзлаштирилиши жараёнида ҳам турли кўринишда давом эттирилади.

БОШГА ТУШГАНИНИ КЎЗ КЎРАР

Қийноқлар, камситишлар, ҳақоратлар исканжасида рост гапириб ҳам, ёлғон гапириб ҳам ўз шахсига бир манфаат топа олган атоқли олим, машҳур педагог Қайюм ака охир-оқибат «бор-е!» деди-ю, чопонни тескари кийиб, тузум бедодликлари ва қотилликларини очиқ сўка бошлади: «Йигирма йилдирки, Шўро учун хизмат қилиб, минглаб-миллионлаб бегуноҳ, сиёсатдан узоқ бўлган инсонларнинг йўқолиб кетишига ўзимиз сабабчи бўлдик. Ўйлаб қарасам, барча маҳбусларни бир-бирларига қарши қўйиб, бирини иккинчисига қайраб, уларни «қутқазиб юбориш» алдоқчилиги билан ишқ кўрган иккиюзламачилар қўлида эканман. Энди тушундим. Бир мирилик айби йўқ Мажид Қодирийдан минг пора алдоқчилик билан, куч ишлатиб кўргазма олган бу нопок терговчилар қиёфаларини энди билдим. Қаранг, шундай буюклар отилиб кетибди, агар рост бўлса. Энди мен социализм қуриш учун эмас, балки ҳали биз учун йўргакда турган капитализм қуриш ва уни ўстириш учун курашаман! Сўзим битта!» деган эди таъқиб ва изтироблар, жисмоний куч ишлатишлардан зил кетган педагог.

Ўйлаб қарасангиз, бу гаплар руҳиятида ўта исёнкорлик ётарди. Бундай адолатсизлик ва муштумзўрлик афтига тупурган Қайюм Рамазон тақдири НКВД ғаламислари томонидан тарозига солинди — уни ушбу таги бўш, исботланмаган туҳматлар йиғиндисидан иборат бўлган «4269»-иш» асосида 1938 йил, 4 октябрдаги 10 минутлик суд жараёнида отувга ҳукм этди.

Бу ҳақда ЎзССР НКВДсининг бўлим бошлиғи Декан имзоси билан 1957 йил 1 августда гувоҳнома берилди. Бу 4 — 07106/57 рақамли гувоҳномада кўрсатилишича, Қайюм ака 1957 йил 1 августда СССР Олий Суди коллегияси томонидан мутлақо оқланган.

ЯХШИЛАРНИНГ УМРИ БОҚИИДИР

Истиқлол йўлида жон фидо қилганлардан бири Қайюм Рамазон эди. У миллатпарвар, юртпарвар, исёнкор шахсгина бўлмай, айни пайтда комил инсон, моҳир педагог, етук олим, маданиятли зиёли сифатида замондошларига ибрат бўла олди. Шу сабабли йиллар ўтса-да, уни кўрган, маърузаларини эшитган, суҳбатларидан сабоқ олган кишилар устоз ҳақида ўз хотираларини фахр билан тилга оладилар.

Моҳир педагог, адабиётшунос олим Шорасул Зуннун билан бир неча йил муқаддам учрашганимизда, гапдан-гап чиқиб Қайюм Рамазон ҳақида сўз борди. У ҳамкасбини ифтихор билан шундай хотирлади:

— Очиғини айтсам, Қайюм Рамазон тил тарихи ва луғати таҳлилига ўта уста, билағон олим эди. У араб, форс ва рус тилида равон гапирарди. Туркий филология тарихини уста шарқшунослар Абдулла Жувонмардиев, Солиҳ Муталлибовларга ўргатарди. Бу жиҳатдан унинг билими Мунаввар қоридан қолишмас эди. Кўп нарсаларни ундан ўрганарди.

«Тил сабоқлари» китобининг вужудга келишида ҳам сўз тузилиши, таркиби — морфология ҳамда товушлар таркибидек оғир бўлимларни Қайюмжон ёзган эди. Мунаввар қори кўпроқ сиёсат ва раҳбарлик ишлари билан банд бўлиб қолардилар. Бироқ матнларни синчиклаб кўрардилар...

Мен Қаюм Рамазон билан Наримонов номидаги педагогика техникуми ҳамда жумҳурият эрлар педбилим юртида бирга ишлаганман. У ниҳоятда хушфеъл киши эди...

Таниқли педагог-журналист, республика халқ маорифи аълочиси Тоҳир ака Зуфаров ҳам Қайюм Рамазон маъруза-ларини, сабоқларини тинглаган талабалардан бўлган. У киши устоз тўғрисида 1991 йил 6 августда батафсил сўзлаб берди.

— Қайюм Рамазон менинг энг севикли ва меҳр қўйган домлам эди, — дея гап бошлади Тоҳир ака. У бир оз ўйга чўмди. Сўнг чуқур нафас олди-да, деди: — 1924—1929 йилларда ўлка эрлар педагогика билим юртида тил тарихи, ўзбек тили, ҳатто мумтоз адабиётдан ҳам дарс берган эдилар. Ўша даврларда Қайюм ака, Носир Саидийлар ва Шорасул Зуннунлар қўлида Миртемир (Турсунов), Мансур Ғуломов, Саидаҳмад Ғуломов, Ёқуб Алиев (машҳур кимёгар олим), Собир Муҳамедов (киношунос) кабилар таълим олганмиз.

Қайюм Рамазон паст бўйли, мулойим характерли, мунисроқ ҳолатда юрадиган, оппоқ юзли самимий одам эди. У наҳв ва сарф (синтаксис) ҳамда ўзбек тили тарихидан мароқли машғулотлар олиб борарди. Амалий машғулотларда Навоий, Фузулий. Жомийларнинг ғазалларинигина эмас, ҳатто уларнинг сочмаларини ҳам ёддан айтиб, сўнг уларни сўз таркиби, ғояси, мантиқи жиҳатидан чуқур таҳлил қилиб берарди.

* * *

Ҳа, яхши хислатлар, ибратли фазилатлар, эзгу ишлар ҳамиша ўчмас хотира бўлиб қолади кишиларда. Яхшиликнинг умри боқий деганлари ҳам асли шу бўлса керак. Бироқ, минг афсуски, даврлар тўфонида тўзон ортида қолган нурни баъзан фаҳмлай олмаймиз. Тўзон тарқалган сайин бу нур ўзига бизни тобора мафтун эта боради. Шу нурни кашф этишга интиламиз ва ниҳоят нурлар тўплами борлигини англаймиз. Булар — қадриятларимиз, истиқлол ёлқинлари! Ана шу ёлқинлараро яқин мозийдан Қаюм Рамазон юлдузи ҳам буюк келажагимиз йўлига ўз нурини сочиб тургандек туюлади назаримизда. Шундай эмасми, дўстлар?!.

Исломжон ТУРСУНОВ,
Ҳайдарали УЗОҚОВ.

БОШҚАРИШГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Етти ёшида отасидан ажралган Набижон Лазокат ая қўлида тарбия топди. Етимлик ёмон қисмат экан, турмушнинг зил мушти унинг бошига жуда эрта тушди. Шу сабабданми, ё отасининг «Сен илмли бўлишинг керак» деган таъкидларидан-ми, хуллас, илм ўчоғи юзини кўрмаёқ у қўлига бирон китоб тушса, ҳижжалаб ўқийдиган бўлди. Сўнг мактабда таълим олди. Билим даргоҳида ярим кун ўқиб, ярим кун қишлоқ хўжалиги юмушлари билан шуғулланди.

Набижон қишлоқ хўжалиги ва рўзғор юмушлари, илм масканида ўқиш ҳамда бошқа ташвишларга қарамай, тинмай ўқиди, изланди. 1966 йили институтни муваффақиятли тамомлаган соловқалб йигит Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 20-ўрта мактабга йўлланма билан ишга юборилди. Сўнгра ўзи туғилиб ўсган Бешариқ тумани мактабларида фаолият кўрсатди..

Мана, 17 йилдирки, Набижон Усмонов тумандаги 28-ўрта мактабга раҳбарлик қилиб келяпти. Баъзилар ўйлаганидек, раҳбарлик юки енгил эмас. Бунда маҳалла-қўйдаги обрў-эътибор, бошқаларга гапини ўтказа олиш санъати ҳам лозим бўлади.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, раҳбарлик қуруқ савлатни эмас, балки масъулиятни, маҳоратни, катта тажрибани талаб этади. Аслида ҳам ёшлар тарбиясига боғлиқ илмий ва методик ишлар бевосита мактаб раҳбарининг ҳаётий тажрибаси, орқали турмушга йўл олиши ҳаммага маълум.

Бир жиҳатдан қараганда, раҳбарлик иши маълум шахс учун берилган масъулиятли имконият. У ҳалол ва виждонан иш юритса, раҳбарга эргашадиганлар кўпаяверади, унинг обрў-эътибори ошиб бораверади. Устоз шу ҳақда шогирдларига қанчадан-қанча маъруза қилса-да, у баъзан ҳаётда бунинг аксини учратаяпти. Масалан, 1980 йилнинг бошларида янги мактаб қурилиши учун елиб-югурганини эсласа, мансабда ўтирганларнинг одамни менсимай қараши, кўпол муомаласи, ўзларини ҳаммадан билағон кўрсатишлари — барча-барчасини унинг хаёлида қайта-қайта жонланавераді.

Хайриятки, яхши одамлар бор. Набижон Усмонов ҳар доим ўшаларга суянади. Янги мактабни тиклашда ҳам, ҳар йилги илм маскани таъмирида ҳамда билим даргоҳидаги таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилишида шу мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Толибжон Қўчқоров, ота-оналар қўмитаси раиси, туман бўрдоқичилик корхонасининг директори Абдусаттор Ваҳобов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлаётганлигини алоҳида мамнуният билан қайд этади.

Набижон ака бошқалар ҳақида тўлиб-тошиб тапиради-ю, ўзига келганда «Ишлаяпмиз» дейди қўяди. Дарҳақиқат, камтарлик, ишбилармонлик хислатлари, ёшларга устозлик қилиш маҳорати, халқнинг тўю маракаларига бошчилик қилиш санъатлари у кишига хос фазилат. Ана шундай хислат, фазилатларга эга кишиларни тўла маънода моҳир етакчи, уста раҳбар, тажрибали ишбоши дейиш мумкин.

Қ. МАТҚУРБОНОВ,
«Маърифат» мухбири.

МУАЛЛИМ — ҚУЛЛАНМА МУАЛЛИФИ

Олтиариқ туман халқ маорифи ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Қишлоқнинг оддий бир муаллим Т. Абдуллаев билим юрти ўқувчилари учун ўқув қўлланмасини яратди. Бу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқув-методик Маркази томонидан фойдаланишга тавсия этилди.

Тошмуҳаммад Абдуллаев тумандаги 25-қишлоқ ҳунартехника билим юртининг энг тажрибали муаллими. Бугунга қадар ҳам билим юртларидаги биолаборантлар тайёрлаш курслари учун алоҳида дарслик-қўлланма бўлмаса-да, изланиш ва тажрибалардан оқилона фойдаланиш яхши самаралар бериб келаётганди. Ана шу тажрибалар асосида мазкур қўлланмани олтиариқлик оддий ўқитувчи яратишга муваффақ бўлганлиги қувончли воқеадир.

Т. УМАРОВ.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Саломатлик ҳавзаси

Улуғбек тумани 380-болалар боғчасидаги кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшилди. Чунки улар усти ёпиқ спорт зали ва чўмилиш ҳавзасига эга бўлдилар. Спорт зали шинам, деворн ойнаванд қилиб қурилганлиги сабабли бола машқни тўғри ёки нотўғри бажараётганлигини ўзи кўриб туради. Чўмилиш ҳавзасида болалар сузишни, турли машқларни бажаришни ўрганишади. Иккала спорт хоналари ҳам бино ичида жойлашганлиги туфайли болалар йил — 12 ой қийналмасдан мазза қилиб чўмилиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
Муаллиф суратлари.



БОШ МЕЗОН — БИЛИМ

Бизнинг маълумотнома: Шамил Болибеков Ёшлик шаҳарчасининг ҳокими. Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. Тошкент Политехника институтини тамомлаган. Оилали, бир нафар фарзанди бор.

— Шамил ака, ҳокимиятда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Ёшлик ҳокимияти ташкил топганидан буён кўпгина ишларни қилиб улгурдик. Ҳокимият қошида концерн иш бошлади. Барча қулайликларга эга ўйингоҳ қурилаётир, «ЭКОСАН» ёшлар боғини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

— Ёшлик шаҳарчасида қанча талаба бор. Талабаларни ётоқхона билан таъминлаш қай аҳволда?

— Тўғри, авваллари турар-жой муаммоси анчагина мураккаб эди. Бироқ, ҳозир бизда бу масала ижобий ҳал этилган. Шаҳарчамиздаги 18 мингдан зиёд талабани ҳокимлик ётоқхоналар билан таъминлашга тўлиқ қодир.

— Шамил ака, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, гап барибир бозор иқтисодиётига борib тақалади. Ҳозирги тақчилликлар даврида талабаларнинг яшаши қандай?

— Эл қатори, ёмон эмас. Тўғрисини айтиш керак, ҳокимликнинг хазинасида маблағ йўқлиги сабаб, талабаларга моддий ёрдам беришга ожизмиз. Лекин нарх-наво ошгани билан Президентимизнинг фармонига мувофиқ ошхоналарда 50 фоизлик чегирма сақланиб қолган. Талабаларимиз орасида 140 оилавий шароити оғир талаба бор. Уларга баҳоли қудрат ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Кийим-кечак, турли хил совғалар ва моддий ёрдам бериб боряпмиз.

— Ётоқхоналардаги шовқин-суронданми ёки ётоқхонадаги шароитнинг ёмонлигиданми, айрим талабалар ижарада яшаб келишмоқда. Уларга ҳокимият томонидан бирор енгиллик яратилганми?

— Тўғри, талабаларимиз орасида баъзилари ижарада яшашади, лекин бунга ётоқхоналардаги шароитнинг ёмонлигига йўймаслик керак, чунки барча ётоқхоналаримизда ҳамма шарт-шароит мавжуд, бундан ташқари шаҳарчадаги ётоқхоналарнинг барчаси яқинда тўлиқ таъмирланишдан чиққан. Ижарада яшайдиган талабаларга енгиллик беришга, юқорида айтиб ўтганимдек, хазинамиз бўш, мени тушунгандирсиз.

— Ҳозирги нарх-наво кўтарилишининг ётоқхона шароитига таъсири қандай?

— Йўқ ҳисоби.

— Оилали талабаларга қандай имтиёзлар берилган?

— Улар учун ҳам ётоқхоналаримиз мавжуд. Оила аъзолари сонига мувофиқ меъёрланган озиқ-овқатлар билан таъминланади. Шаҳарчамизда нафақат оилали, балки иқтидорли талабаларга ҳам имтиёзлар бор. Улар дарсдан бўш вақтларида лабораторияларда мустақил тажрибалар ўтказишлари, ўз устларида ишлашлари мумкин. Шунингдек, уларни чет элларда, яъни Хитой, Япония, Туркия, АҚШ билим даргоҳларида ўқитиш ниятимиз бор. Айни кунда ҳам хорижий давлатларда талабаларимиз билим олишмоқда.

— Юртимизда таълим олаётган хорижий талабалар ўз юртларига жўнаб кетишгандан кейин турли хил миш-мишлар кўпайди. Сабаби...

— Сабаби шундаки, хорижлик талабалар собиқ Иттифоқ даврида шартнома асосида ўқишга келишган эди. Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг хорижий талабаларга ҳеч қайси ташкилот маблағ бермай қўйди. Натижаси эса сизга маълум. Тўғри, ҳозир ҳам хорижий талабалар юртимизда билим олишмоқда фақат шартнома асосида.

— Сир бўлмаса, айтингчи, талабалар орасида содир бўлаётган жиноятларнинг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Жиноятларнинг асосий сабабларидан бири, талабалар орасида таълим-тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги. Иккинчи бир сабаби, талабаларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиши. Энг ачинарли томони, улар орасида наркотик моддалар истеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу эса ўзи англаган ҳолда жиноятга қўл уришдир.

Ҳозир ётоқхоналарда, ошхоналарда талабаларнинг спиртли ичимликларни ичиши қатъий ман қилинган. Ножўя ишлар билан шуғулланувчи талабаларга муросасизлик муҳитини яратишга ҳаракат қиляпмиз.

— Шамил ака, ёшларга тилакларингиз?

— Таълим олаётган талабаларнинг ҳаммаси етук мутахассис бўлиб етишсин. Ота-онаси, эл-юртининг мустақил жумҳуриятимизнинг кори ҳолига яроқли инсонлар бўлиб камол топсинлар. Ҳар бир талаба, диплом учун эмас, билимини ошириш, жаҳон илм-фанида ўз ўрни бўлиши учун ўқисинлар.

Суҳбатдош:
Файзулла МУРОД ўғли.

ХОТИРА СОВРИНИ

Қамаши туманидаги Амир Темур номли 1-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси марҳум Исмоил полвон Бўриев хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича мусобақа ўтказилди. Х. Исмоилов номли ўрта мактаб спорт залида икки кун давом этган қизғин беллашувларда ўқувчилар 16 вазн бўйича, ўқитувчилар ёшларига кўра 3 гуруҳга бўлиниб беллашдилар. Ўқувчилар ўртасида А. Азимов (Н. Шаропов номли мактаб), У. Бозоров (Ломоносов номли мактаб), Х. Бойманов (Х. Исмоилов номли мактаб), Х. Раҳмонов (Будённий номли мактаб), ўқитувчилар ўртасида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби устози Б. Тўраев (Акмал Икромов номли мактаб), директор ўринбосари Норбўта Одилов (Ломоносов номли мактаб), А. Тўлаганов (Ғ. Ғулом номли мактаб) мусобақа ғолиби бўлишди.

Р. АШУРОВ,
Б. ЖИЯНОВ.
Қашқадарё вилояти.

Дарсликларни варақлаганда

АФСУС...

Ўғлим 2-синфда ўқийди. Яқинда она тилидан уйга берилган вазифаларни текшира туриб, қоидаларни сўрадим. Ёддан айтиб берди, лекин маъносини тушунмайди. Ўзак нима эканини қоидадан билади, қўшимча билан ўзакни эса яхши ажрата олмайди. Шу сабаб 2-синфлар учун 1991 йилда чиққан «Ўзбек тили» дарслигининг 16-нашри билан танишиб чиқдим. Афсуски, дарслик қайта нашр этилаётганда бошланғич синфларга катта эътибор берилиши лозимлиги ҳисобга олинмаган экан.

Дарсликдаги қоидалар жуда ғализ. Унинг 4-бетида «Ким? Нима? сўроқларига жавоб бўлган сўзлар предметни билдиради», 83-бетида эса «Предметни билдириб, ким? ёки нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар от дейилади» деган мужмал қоидалар берилган. Ким? сўроғига жавоб бўлувчи, кишиларга атаб қўйилган отлар, касб билдирувчи сўзлар: ўқитувчи, шифокор, пиллакор, созанда кабилар ҳам предметга айланиб кетяптику! Унинг ўрнига «ким» сўроғига жавоб бўлган сўзлар кишиларнинг номи ва касбини билдиради», «нима» сўроғига жавоб бўлган сўзлар предметни билдиради» деб ўқувчиларимизга ўргатсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки 72-бетдаги «Ўзакдош сўзлар умумий қисмга эга бўлади. Ўзаклари бир хил бўлган сўзлар ўзакдош сўзлар дейилади» дейиш ўрнига «Бир ўзакдан ясалган сўзлар ўзакдош сўзлар дейилади» деган қисқа ва лўнда таърифни киритиш керак. Чунки 6-синф «Ўзбек тили» дарслигида шундай қоида берилган. Қоидалар эса барча синфлар учун ўзгармас бўлиши лозим.

1989 йилда ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига қарамай, дарслик 1991 йилда ҳеч қандай тузатиш ва ўзгартиришларсиз нашр этилаверган. Чунки унда ўқувчилар учун тушунилиши қийин бўлган русча сўзлар жуда кўп. Масалан, санитар, разъезд, плуг, спорт, ферма, станция, вожатий, квартира, коньки, делегат, планер, коллекция, план. Бундай сўзларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Ҳатто китоб сўнгидаги луғатда берилган 125 сўздан 30 таси соф русча. Демак, 2-синф ўқувчилари она тили дарсларининг тўртдан бир қисмида вақтни беҳуда ўтказиб, ёзилиши ва талаффузи ўта мураккаб бўлган русча сўзларни ўрганар эканлар. Агар бу сўзларни изоҳлаш учун ҳам вақт кетишини ҳисобга олсак, биз она тили дарсларида рус тилига кўпроқ эътибор берар эканмиз. Шундай бўлгач, нега болаларимиз соф ўзбек тилида гапира олмайди, деб ўйлайверишимиз ноўрин.

Дарсликдаги айрим шеър ва матнларни, жумладан, «Октябрь байроғи» (33-бет), «Октябрятлар — бўлажак пионерлар» (56-бет), «Қизил майдонга кирар» (85-бет) кабиларни Ўзбекистон мустақиллиги, байроқ, тамға ва мадҳияси ҳақидаги матн ва шеърлар билан алмаштириш ёки унинг ўрнига буюк аллома-ларимиз ҳақидаги айрим маълумотларни бериш керак. Ахир, она тилини ўқитишдан мақсад ўқувчиларни ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат, одамийлик, инсонийлик фазилатлар руҳида тарбиялаш эканлиги ҳам ёддан чиқмаслиги лозим.

Маҳмуда ВАЛИЕВА.



ОЛТИН ЁЗ.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ИХЛОС

Ахборхон Ҳайдаров Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, олий тоифали кимё ўқитувчиси. У иш фаолиятини бундан 40 йил бурун Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманидаги 1-ўрта мактабда кимё-биология фанларидан дарс бериш билан бошлади. Чўлқуварлар вилоятидаги уч йиллик меҳнат фаолиятининг бир йилини халқ таълими бўлимида методистликка бағишлади.

У Тошкент шаҳридаги 203-мактабда бир неча йил ўқитувчилик қилди. Салкам 30 йилдан буён эса пойтахтдаги 229-мактабда ишлаб келмоқда.

Мактаб жамоаси ва ота-оналар Ахборхон Ҳайдаровни билимдон, ижодкор ва изланувчан ўқитувчи сифатида ҳурмат қилишади. У ўзи истиқомат қилаётган Акмал Икромов туманидаги Катта Қаъни маҳалла қўмитаси фаолларидан бири.

Мактаб жамоаси яқинда устоз педагогнинг муборак олтмиш ёшга тўлган санани нишонлади. Биз Ахборхон Ҳайдаров билан педагоглик касби хусусида суҳбатлашдик.

— Ахборхон ака, сиз мактабда кўп йил меҳнат қилдингиз. Ўқитувчиликдек машаққатли иш чарчатиб қўймадими?

— Ўринли савол бердингиз. Машаққатли касбнинг ҳам ўзига хос сурурли дамлари бўлади. Меҳр ва ихлос билан қилган меҳнатингиз мевалари кўриниб тургандан сўнг чарчоқларингиз ўз-ўзидан тарқалиб кетар экан.

— Ҳар кимда ҳам бирор касб-ҳунарга қизиқиш, мойиллик ва қобилият бўлади. Сизнинг ўқитувчи бўлишингизда кимларнинг таъсири бор?

— Руҳлари шод бўлсин, буваларим, бувиларим ўз даврининг ўқимишли кишилари— мударрислари бўлишган. Тоғам Саъдуллахон Аҳрорхон ўғиллари Тошкентдаги кўзга кўринган математика ўқитувчиларидан эдилар. Кимё фани ўқитувчиси Муборак Бурхонова, география ўқитувчиси Тўра Тўлаганов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Рустамхўжа Бобоевларнинг мактабда берган таълимлари менга маънавий таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас.

— Сиз олий тоифали ўқитувчисиз. Ҳамкасблар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида ҳурматингиз баланд эканлигини эшитганмиз. Бунга қандай эришгансиз? Ваҳоланки айрим ўқитувчилар дарсда ўқувчиларни бошқара олмай директор ёки илмий бўлим мудирига шикоят қилишади. Шу ҳақда икки оғиз гапириб бersангиз.

— Доноларимиз «Обрў мисқоллаб йиғилади, адашилса ботмонлаб тўкилади», дейишади. Ўқитувчи ҳар жиҳатдан тадбиркор, маънавий-ғоявий савияси етук, болалар қалбига йўл топа оладиган, руҳшунос бўлмоғи керак. Бу хислатларни эгаллаш учун, албатта, кўплаб мутолаа қилиш, сўз ва иш бирлигига эришиш лозим.

Ўқитувчини атрофда минглаб кўзлар кузатади. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, муомаламиз, муносабатимиз, шарқона ҳурматимиз болалар қалбида ижобий маънавият ҳосил қилсагина ўқитувчи шунга яраша ҳурмат қозонади. Ёш касбдошларимга ана шундай хислатлар дилларига жо бўлишини жуда-жуда истардим.

— Рафиқангиз ҳам, қизларингиз ҳам педагог. Бунда маълум даражада таъсирингиз бор бўлса керак?

— Ҳа, албатта. Ўқитувчининг ҳалол туз-намаги билан ўсган фарзандлар отаонасининг эл-юрт орасидаги олқиши, ҳурмати, маънавий таъсири фарзандларни ҳам беихтиёр шу касб томон етаклар экан. Менинг уч нафар қизим — Сурайёхон, Музайянахон, Нигорахонлар, келиним Ферузахон ҳам ўқитувчилик касбини танлашган. Улар бу шарафли касбни эъзозлаб келишаётганидан хурсандман.

— Ўқитувчи бир умр ўқиши керак, дейишади. Сиз ўз касб-маҳоратингизни ошириш юзасидан қандай иш олиб борасиз?

— Ўқитувчи ҳаётдан заррача бўлса ҳам орқада қолмаслиги, ўз касбига, мутахассислигига оид адабиётлардан хабардор бўлиши лозим. Мен илгари қандай бўлса, ҳозирги бозор иқтисоди шароитларида ҳам газета ва журналларни мунтазам мутолаа қилиб бораман. Методбирлашма йиғилишларида, педагогик ўқишларда ўз иш тажрибаларим билан ўртоқлашишимда газета ва журналларнинг ёрдамини чуқур ҳис қиламан...

— Иккинчи иқтидорингиз ҳақида ҳам бир савол бермоқчи эдим. Маҳалладаги, фарзандларингиз ва невараларингиз ўқийдиган мактабдаги байраму тўй-тантаналарда, юбилей кечаларида кўпинча раислик вазифаларини ҳам бажариб келаяпсиз. Кўпчилик Сизни кимё ўқитувчиси эмас, балки адабиётчи деб ўйлайди. Боз устига газеталарда тез-тез мақола-хабарларингиз чиқиб туради. Сир бўлмаса, бу иқтидорни «юқтирган» устозингиз ким?

— Жуда қизиқ савол бердингиз. Мен турли йиғинларда, тўй-тантаналарда чиройли гапирган кишиларга ёшликдан ҳавас қилиб юрардим. Адабиёт ўқитувчиларим Муҳаммаджон Қўшоқов, Иброҳим Тўлагановларнинг мароқ ва эҳтирос билан сўзлашлари, шеър ўқишлари мени сеҳрлаб қўярди. Хуллас, ёшликдан адабиётга, шеъриятга ихлос қўйганман. Ўз ихтиросимга оид адабиётлар билан бирга бадиий асарларни мунтазам ўқийман.

Ҳар бир киши эл-юрт олдидаги бурчини ўташи лозим. Мен маҳалламиздаги боббрў зиёлилар қатори юбилей кечаларида, тўйларда элга ҳолиқудрат хизмат қилиб келаётганимдан хурсандман.

Юқорида айтганимдек, адабиёт ўқитувчиларим мақола-хабар ёзишни ўргатишган. Шунинг учун юрагимни «жиз» эттирган мавзулардаги мақолаларим, «Маърифат», «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати» газеталарида вақтивақти билан қатнашиб тураман. Шифокорлар, ҳамкасб дўстларим ҳақида, одоб-ахлоқ мавзуларидаги мақолаларим чиқиб турибди.

— Утган йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни тасдиқланди. Жамиятимиз ривожида, мактаб ислоҳотини амалга оширишда ушбу Қонуннинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Мустақил давлатимизнинг келгуси, тараққиётида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти беқиёсдир. Унда таъкидланганидек, таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади. У республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Ўтган бир йил мобайнида халқ таълимини ривожлантириш юзасидан жумҳуриятимизда амалга оширилаётган ишлар, яъни тармоқдаги ислоҳот янги марраларни эгаллаш юзасидан дадил ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Ўқитувчиларнинг бу йилги август кенгашларига тайёргарлик юзасидан қизғин ишлар олиб борилаётганлиги бунинг ёрқин далили, дейиш мумкин.

Бу анжуманда, шубҳасиз, ўқитувчи маънавияти тўғрисида, мустақил жумҳуриятимиз мафкурасини қарор топтириш хусусида атрофлича сўз юритилади деб ўйлайман.

Суҳбатдош
Ғ. МАННОПОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Марҳаматхон Эргашева!

Сиз йигирма йилдирки, Тошкентдаги 150 болалар боғчасида жажжиларга меҳрибон мураббий сифатида фаолият кўрсатиб келаяпсиз.

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, раҳбарлик фаолиятингизда катта муваффақият тилаймиз.

Мирзо УЛУҒБЕК туман халқ таълими бўлими.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

20 мартдаги «Наврўз мадҳи» — топшириқ.

1. «Наврўзнинг васияти». 2. «Наврўзи бузруг». 3. «Наврўз кунида». 4. «Наврўз олқиши». 5. «Наврўз ўлани», 6. «Наврўз қўшиғи». 7. «Наврўзнома». 8. «Наврўзи сабо». Айланаларда; «Гул ва Наврўз» — Лутфий достони.

Муҳарририят эълон қилинаётган топқирлик машқларига муштарийлардан кўплаб жавоблар олмоқда. Жумладан, Наманган вилоятидан С. Ҳожидадаева, М. Қурбонова, Р. Ҳожиматова, Сирдарё туманидан О. Холбоева, Балиқчи туманидан Фозилжон ва Нодирбек Анапияевлар, Марҳамат туманидан Н. Тошпўлатова, Ўзбекистон туманидан М. Алижонова, Риштондан Н. Жумаева, Вобкентдан З. Раҳимова, Чироқчидан А. Мусаев, Қарши туманидан С. Шарипова, Нарпай туманидан К. Ражабов, Хоразмнинг Боғот туманидан З. Матёқубовлар тўғри жавоб топиб ўз топқирликларини ифода этганлар. Барча мактуб муаллифларининг эзгу истаклари учун миннатдорчилик билдириб, топқирликда биз ҳам уларга бахт ва омад тилаб қоламиз.

Ф. ОРИПОВ.



Ўзингизни синаб кўринг-чи?

Ҳурматли топқирлар! Диққатингизни ҳавола этилган ушбу машқни ҳал этиш билан физика фанига бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.

Энига: 7. Уфқда содир бўладиган ранго-ранг табиат ҳодисаси. 8. Ёруғлик босимини ўлчаган таниқли физик олим. 10. Металларни пайвандлаш ва кесишда ишлатиладиган, рангсиз ҳидсиз газ. 13. Фотоэлектр хоссаларига эга бўлган ярим ўтказгич. 14. Қадимги ов қуроли. 15. Муайян моддий жисмга бошқа жисмлар томонидан бўлган механик таъсир ўлчови. 16. Модданинг ҳолатларидан бири. 19. А. С. Попов ихтироси. 20. Электр транспорти воситаси тури. 25. Тиркама ёки ўзи юрар, қазиш-ташиш машинаси. 27. Қадимги юнон олимлари электрга оид тажрибаларда қўллаган игна баргли дарахтларнинг тошга айланган муми. 28. Ядро физикаси соҳасида иш олиб борган рус олими.

Бўйига: 1. Ҳозирги замон механикасига асос солган XVI аср охири ва XVII аср биринчи ярмида яшаган итальян олими. 3. Электрод. 4. Механика ва оптика масалалари билан шуғулланган қадимги юнон олими. 6. Электр алоқаси тури. 9. Зарядларнинг ўтказгичдаги тартибли ҳаракати. 11. Марказий Осиёнинг ўрта аср қомусий олими. 12. Электромагнит майдон тўғрисидаги таълимот асосчиси, инглиз физиги. 17. Материянинг энг муҳим хусусияти, тинч ҳолатига нисбатан қарама-қарши ҳолати. 18. Қадимги юнон олими, кашфиётчи. 21. Электр двигателини ихтиро қилган физик олим. 22. Қўғишма металл. 23. Хонанданинг овози тури.

Ёйлар бўйича: 2. Электр истеъмолчиларининг уланиши. 5. Сайёраларнинг қуёш атрофида айланишини кашф этган немис олими. 24. Ҳаво билан тўлдириладиган резина қобиқ. 26. «Физика»нинг туркий тилдаги атамаси.

Салоҳиддин НУСРАТОВ,
Андижон туманидаги 20-мактабнинг физика фани ўқитувчиси.

Фанлар ҳақида

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Муаллим:
— «Даданг бугун тўй
Олиб келди сенга».
Шу гап эгасин
Кўрсат-чи менга?
Ўқувчи:
— Акамлар олиб
Қўймаса мендан.
Тўпнинг донмо
Эгаси менман!

ГЕОМЕТРИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи доскага
Чиқариб Шоирани
Дер, — қанақа бўлади,
Чизгин-чи, доирани?
У-чи, доскага чиқиб,
Дарсни роса қизитди.
Доирани чиз деса,
Чилдирмани чизибди.

ЖУҒРОФИЯ ДАРСИДА

Муаллим:
— Нега ёмғир ёғади,
Айт-чи, Каримов Наби?-
Жавоб берар ўқувчи,
Ҳовлиқиб, шу он шошиб:
— Осмондаги денгизлар,
Кетса керак-да, тошиб!

САБАБИ ШУ

— Менга айт-чи, Ҳамроқул,
Нега баҳонг «3» нуқул?
— Эй дадажон, дадажон,
Тушунмайсиз сиз ҳамон?!
Икки ёш катта акам,
Ўқийди «5»ничида.
Шунинг учун ҳам унинг,
«5» баҳоси кўп жуда.
Гапнинг ўртасида,
Дер Ҳамроқул жилмайиб,
— «3»да ўқиганим-чун,
«3»им кетган кўпайиб.

ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТ

Жиринглади телефон,
Қўлига олди Усмон:
— Алло, алло сизмисиз,
Танимабман ойижон?!
Ҳозир гаплашмай туринг,
Гапимни олинг уқиб,
Бувижоним гришлар,
Сизга қолмасин юқиб!

Ориф ТУХТАШЕВ.

(Газетанинг навбатдаги сони 21 июлда чиқади).

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

А АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бошланғич меҳнат таълими, тарбиявий ишлар ва эстетика кафедрасига:

Кафедра мудири (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.

Бошланғич таълим (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.

Меҳнат таълими (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.

Тарбиявий ишлар бўйича (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.

Мусиқа ва ашула таълими (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.

Тасвирий ва амалий санъат, чизмачилик бўйича (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, А. Саидов кўчаси, 6-уй.

Янгийўл туман халқ таълими бўлими ҳамда 14-ҲТБЮ жамоаси шу билим юрти ўқитувчиси **Абдусамат НОСИРОВ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 19.00.

Босишга топширилди — 20.00.

Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 12345